

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 3 (15) 2025

Тошкент – 2025

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

<i>Бош муҳаррир:</i> Олимжон АҲМЕДОВ	<i>Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти</i>
<i>Жамоатчилик Кенгаши таркиби:</i> Нуриддин НОРМАТОВ Баҳодир МАТЛЮБОВ Даврон НАЗАРМУҲАМЕДОВ Умидбек НУРУЛЛАЕВ	2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади. Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир. Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак. *** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.
<i>Ҳайъат аъзолари:</i> Олимжон АҲМЕДОВ Улуғбек РАСУЛЕВ Карим НОРМАТОВ Жўрабой ТОШҚУЛОВ Фарҳод ХАТАМОВ Музаффар ТОЖИБОЕВ Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ Эркин МАРУПОВ	
<i>Таҳририят:</i> <i>Масъул муҳаррир:</i> Карим НОРМАТОВ <i>Саҳифаловчи:</i> Маъруф РАҲМОНОВ <i>Дизайнер:</i> Нурмахон ТАСИМОВ	Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июнда ОАК раёсатининг 339/6-сон ҳамда 2024 йил 28 июндаги ОАК Раёсатининг 356/5-сон қарорларига асосан юридик ва тарих, сиёсий ва фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилади.

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ҳуқуқ-тартибот тизими давлат ва жамиятни бошқаришда муҳим ҳалқа ҳисобланади. Бу соҳа ходимларининг ўз масъулияти, ўз шахсий жавобгарлиги ҳамда ўз шон-шарафи бор. Бу ҳалқанинг масъул шахслари, раҳбарлари ким бўлишидан қатъи назар, ўзини тамоман шу фаолиятга бағишлайди. Чунки, у тинчлик ва осойишталикни таъминлаши ҳамда жамоат тартибини сақлаш учун мамлакатда қонун устуворлигига эришиши, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилиши, кечани кеча, кундузни кундуз демай фаолият кўрсатиши керак.

Ўз навбатида Президент Шавкат Мирзиёев уларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳамда *“асосий вазифаси аксарият ҳолларда одамларни жазолашдан иборат бўлиб келган. Бу – аччиқ ҳақиқат. Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари яхши билиб олсин – “текиш-текиш” ва “деди-деди” қабилидаги гаплар асосида жавобгарликка тортишлардан халқимиз қаттиқ чарчаган.*

Ваколат доирасидан чиқиб, барча соҳаларга аралашиш, Ватан ва халқ манфаати бир четда қолиб, ўз манфаати йўлида “идора” номини рўкач қилиш даври ўтди.

Яъни, энди биронта фуқаро қалбаки далиллар, туҳмат ва бўҳтонлар асосида жавобгарликка тортилмаслиги шарт. Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли кафолатлар яратишимиз зарур.

Очиғини айтганда, қонун устуворлиги ва ижодкорлиги, энг муҳими ишончли садоқат саодати ўта муҳим ҳисобланади. Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва ходимларини жанговар шайлик ҳамда миллий маънавий руҳ тарбиясида Президент Шавкат Мирзиёевнинг айниқса, ички ишлар органлари фаолиятига бўлган қарашларини жуда қадрлайдилар. Ишончли кафолатга содиқ бўлиб қоладилар.

*Долзарб мавзулар***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ**

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни, хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик шонли санаси билан чин қалбимдан табриклайман.

Истиклол байрами барчамизга муборак бўлсин!

Ҳурматли дўстлар!

Бугун, мана шу улуғ айём кунларида ҳаммамиз бир ҳаётий ҳақиқатни чуқур ҳис этмоқдамиз. Янги Ўзбекистон ғояси асосида бошлаган улкан ислохотларимиз туфайли мустақиллик берган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилиб, бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

Айнан ана шу улуғвор ғоя асосида биз уч минг йиллик бой тарих ва маданиятимизни қайтадан идрок этдик. Юртимиз заминидаги Биринчи ва Иккинчи Ренессанс анъаналарини ривожлантириб, Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадамлар қўймоқдамиз.

Ишончим комил, бу йўлда Янги Ўзбекистон давлати, Янги Ўзбекистон жамияти буюк тарихимизни янги – янада юксак Уйғониш даври билан боғлайдиган мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилади.

Мир Алишер Навоий бобомизнинг **“Бу оламни яратишдан мақсад – инсон эди, уни бахтли кўриш эди”**, деган фикрларида чуқур маъно мужассам. Халқимиз асрлар давомида орзу қилиб, курашиб ўтган инсон қадрини улуғлаш, уни бахтли қилиш – барча ислохотларимизнинг маъно-мазмунини ташкил қилмоқда.

“Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу тамойилга асосланган Янги Ўзбекистон ғояси амалда қудратли ҳаракатга айланди.

Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, иқтисодиётимиз 6 фоиздан юқори суръатларда барқарор ўсаётгани халқимиз ўз танлаб олган йўлидан дадил бораётганини кўрсатмоқда.

Юртимиз аҳолиси йилига ўртача 700-800 минг кишига кўпаймоқда. Меҳнат бозорига ҳар йили 500-600 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Бунча одамни ўқитиш, касб-ҳунарли қилиш, уларга иш топиб бериш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун мунтазам ишлайдиган тизим, кафолатли инвестиция ва инфратузилма керак.

Шуни олдиндан чуқур ўйлаб, биз бу йўналишда аниқ дастурларни қабул қилдик. Биз маҳаллагача тушиб, ўзини ўзи банд қилган тадбиркордан тортиб йирик бизнесгача – барчасини алоҳида ёндашув асосида қўллаб-қувватлаш бўйича тизим барпо этдик.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, олдинга бошловчи катта кучга айланди.

Рақамларга эътибор берайлик: кейинги саккиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз 2 карра ошиб, ўтган йили 115 миллиард долларга, экспорт ҳажми 26 миллиард долларга етди. Йил якуни билан ялпи ички маҳсулотимиз 130 миллиард доллар бўлади. Олтин-валюта захираларимиз тарихимизда илк бор 48 миллиард доллардан ошди, ўтган саккиз йилда юртимизга қарийб 130 миллиард доллар хорижий инвестициялар кириб келди.

Буларнинг барчаси ислохотларимиз самараси, тараққиётимизнинг мустаҳкам кафолати, нуфузли молия институтлари ва хорижий компанияларнинг юксак ишончи эмасми?

Халқимизнинг кўз ўнгида минглаб замонавий корхоналар, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектлари қад ростламоқда. Эътибор беринг, бу йил жами 35 миллиард доллар инвестиция эвазига 9 мингга яқин янги корхона, хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилади. Энг улуғ байрамимиз арафасида 4 миллиард долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди.

Ўтган даврда биргина кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 карра кўпайди. Бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан ортиқ аҳолимиз меҳнат қилиб, даромад топтомоқда.

Биз йил бошида 5,5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича катта марра олган эдик. Саккиз ойдаёқ 5 миллионлик режани уддаладик.

Энг муҳими, ислохотларимизга ишониб, шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг фуқаромиз юртимизга, ўз оиласи бағрига қайтди.

Анъанамизга кўра, ўтган ҳафтада тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, бизнес вакиллари қандай масалани кўтарган бўлса, ҳаммасига ечим топиб бердик. Улар учун 50 триллион сўмдан ортиқ янги ресурс,

имтиёз ва енгилликлар яратишга келишиб, қарорини ҳам чиқардик. Биз бу ишларни қатъий давом эттирамиз.

Ўзбекистон дунёга кенг очилганидан сўнг хорижий сайёҳлар сони ўтган йили 10 миллион кишидан, туризм хизматлари экспорти эса 3 миллиард доллардан ошди.

Тарихимиз, миллий ўзлигимизни тиклаш мақсадида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий зиёратгоҳи каби улкан ва ноёб мажмуаларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари якунига етмоқда.

Ишончим комил, халқимизнинг маънавий салоҳиятига ҳар томонлама муносиб бўлган бундай бетакрор обидалар аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилиги учун янги ва жозибадор масканларга айланади. Бу мажмуалар тадбиркорларимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилишда қўшимча имкониятлар эшигини очади.

Яна бир мақсадимиз – ҳалол ишлаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга имкониятларни кўпайтиришдан иборат.

Шу сабабли “Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон жамият гарови” деган шиор асосида “яширин” иқтисодиётни жиловлаш бўйича муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Бу жараёнда фуқаролик институтлари, жамоатчилик назорати субъектлари, оммавий ахборот воситалари, парламент ва маҳаллий кенгашлар янада фаол иштирок этади.

Қадрли юртдошлар!

Иқтисодиётимиз ривожланиши, аҳолимиз кўпайиши билан хавфсиз ва барқарор энергия ресурсларига талаб ортиб бормоқда.

Ўтган саккиз йилда абонентлар сони 25 фоизга, яъни, қўшимча 1 миллион 600 мингтага, истеъмол ҳажми эса 54 фоизга ёки қўшимча 25 миллиард киловатт соатга ошди. Шунинг учун биз келгуси тараққиётимизни “яшил” иқтисодиёт ривожига кўрмоқдамиз.

Аввало, “яшил” энергия улушини ошириш бўйича мисли қўрилмаган қадамлар қўйдик. Натижада электр ишлаб чиқариш қувватлари 2016 йилдаги 59 миллиард киловатт соатдан 85 миллиард киловатт соатга етди, келгуси йилда бу 97 миллиард киловатт соатдан зиёдни ташкил этади.

Шу йилнинг ўзида 6,5 миллиард киловатт соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, жами генерация қувватларида “яшил” энергия улуши 30 фоизга етди.

Биз 2030 йилгача яна 35 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобидан “яшил” энергия улушини 54 фоизга олиб чиқамиз.

Табиатга меҳрли муносабат орқали келажак авлодларга унумдор ер, зилол сув, мусаффо ҳавога эга бўлган гўзал Ватанни мерос қилиб қолдиришни муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Шу мақсадда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларимизни янада кенгайтираамиз. Бу борада “*Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили*”да амалга ошираётган катта дастурларимиз муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги саккиз йилда юртимизда 31 миллион квадрат метрдан ортиқ ёки қарийб 12 мингта кўпқаватли уй-жой барпо этилгани тарихий қадам бўлди. Шу йилнинг ўзида “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларда яна 130 минг хонадонли замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳолига топширилади.

2030 йилгача бутун дунёда қўлланаётган “яшил шаҳар” стандартлари асосида барча шаҳарларимизда яшиллик даражасини 30 фоизга етказамиз.

Натижада мамлакатимиз барқарор энергия билан таъминланади, экологияга, одамларимиз саломатлигига зарарли таъсирлар кескин камаяди.

Шу билан бирга, мастер режалар асосида ҳар бир қишлоқ ва маҳаллага шаҳардаги қулайликларни олиб кирамиз. Кичик шаҳарларни замонавий инфратузилма асосида ривожлантириб, уларни янги босқичга кўтарамиз.

Азиз ватандошлар!

Биз юртимизда ижтимоий ҳимоя сиёсатининг бутунлай янги моделини яратдик. Бу тизим хонадонларгача кириб боргани, эҳтиёжманд аҳоли билан индивидуал ишлашни йўлга қўйганимиз, “Инсон” марказларини ташкил этганимиз – барча учун тенг имконият яратилган инклюзив жамиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: юртимизда бегона одам ҳам, бегона бола ҳам йўқ. Барчамиз ягона юрт фарзандларимиз, ягона Ватан раўнақига хизмат қиламиз.

Шу маънода, битта бўлса ҳам қийин аҳволга тушиб қолган ҳамюртимиз тақдири барчамизни бирдек ташвишга солиши керак.

Чунки, халқимизнинг энг катта қудрати – меҳр-оқибат, саховат ва бирдамликдир.

Шу борада “Ҳамроҳлик дастури”га мувофиқ ота-она меҳридан маҳрум бўлган 11 минг нафар болани таълим, касб-ҳунар, спорт тизимида қамраб олганимиз муҳим натижа бўлди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 2,5 миллиондан зиёд аъзоларига 110 турдаги ёрдам ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Умуман, бу йилнинг ўзида ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга 19 триллион сўм маблағ йўналтиряпмиз.

Буларнинг барчаси ўз самарасини бериб, юртимизда камбағаллик даражасини 6,8 фоизга туширишга эришдик. Халқаро ташкилотлар 5-6 йил олдин ушбу рақамни 35 фоиз атрофида баҳолаганини ҳисобга олсак, қисқа даврда бу борада қандай катта йўлни босиб ўтганимиз яққол аён бўлади.

Биз тадбиркорликни ривожлантириш, кексалар, хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича ишларимизга янги шиддат берамиз.

Халқимиз учун муносиб шароитлар яратиш борасидаги ислохотларимиз бир дақиқа ҳам тўхтамайди.

Муҳтарам дўстлар!

Сифатли таълим-тарбия, аҳолимиз саломатлиги – келгуси тараққиётимизни ҳал қиладиган энг муҳим масала.

Сўнгги саккиз йилда хусусий сектор билан бирга боғчалардаги ўринларни 2,5 миллионга, қамровни 78 фоизга етказдик. Янги мактаблар қурганимиз, борларини кенгайтирганимиз ҳисобига қўшимча 1 миллионга ўқувчи ўрни яратилди.

Замонавий дарсликлар, илғор педагогик технологиялар асосида мактаб таълимига янги мазмун, янги сифат кириб келмоқда.

Шу даврда олий таълимда ҳам кескин бурилиш ясаб, қамровни 9 фоиздан 42 фоизга етказдик. Айниқса, талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ҳозирги вақтда дунёдаги топ олийгоҳларда 2 мингдан зиёд талабаларимиз таҳсил олмоқда. Улардан 750 нафари “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали давлат ҳисобидан ўқимоқда.

Ўтган йили юртимиз ёшлари топ-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллагани барчамизни албатта қувонтиради.

Айниқса, фарзандлари дунёдаги энг нуфузли университетларда таълим олаётган ота-оналарнинг хурсандчилигини сўз билан ифода қилиб бўлмайди.

Шу ўринда бу йилдан бошлаб мактабларимизда катта бир ижобий ҳолат кўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Яъни, юртимиздаги 3 та мактаб олийгоҳларга кириш бўйича 100 фоизлик натижага эришди. Булар – Қорақўл туманидаги мактаб-интернат, Навоий шаҳридаги 1-сонли ихтисослашган мактаб-интернат, Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби.

Бу, албатта, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган эзгу ғоямизнинг амалдаги ифодасидир. Ишонаман, бундай натижалардан

юртимиздаги бошқа мактаблар ҳам албатта ўрнатилган. Барча таълим даргоҳларига Учинчи Ренессанс нафаси янада кучлироқ кириб боради.

Сўнгги йилларда тиббиёт учун маблағларни 6 карра оширдик, сифатли тиббий хизматларни маҳаллагача туширдик.

Одамларимиз юқори технологик тиббий хизматлар учун олдин фақат пойтахтга келарди. Ҳозир бундай амалиётларнинг 400 дан ортиғи вилоят ва туманларнинг ўзида бажарилмоқда.

Касалликларни профилактика қилиш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини қарор топтиришга катта аҳамият қаратяпмиз.

Аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиб бораётгани натижасида ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайди.

Биз таълим-тарбия учун, аҳоли саломатлиги учун, муаллим ва шифокорларни қўллаб-қувватлаш учун қанча куч ва қанча маблағ керак бўлса, барчасини сафарбар этамиз!

Қадрли юртдошлар!

Бугунги ёшларимизнинг овози, гоё ва ташаббуслари, куч-ғайрати барча соҳа ва тармоқларга чуқур кириб бормоқда. Улар халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини реал ҳақиқатга айлантирмоқда.

Ёшларимизнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, она тили билан бирга чет тилларини пухта ўрганишлари учун имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда.

Бугун даврамизда саноат, сервис, қишлоқ хўжалиги, ИТ, илм-фан, маданият ва спортда катта ютуқларга эришаётган ўғил-қизларимизни кўриб турганимдан хурсандман.

Мана, футбол бўйича миллий терма жамоамиз мамлакатимиз тарихида илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиб, кўп йиллик орзу-умидимизни рўёбга чиқарди.

Талаба ёшларимиз эса Халқаро ёзги универсиада ўйинларида 116 та давлат орасида илк бор топ-15 таликка кирди, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу байрам арафасида 19 ва 22 ёшли боксчиларимиз Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлиб, ўзбек бокс мактабининг шуҳратини дунёга яна бир бор намоён этди.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонни чинакам спорт мамлакатига айлантириш мақсадида истиқболли ўғил-қизларимизга атаб Тошкентда улкан Олимпия шаҳарчасини барпо этдик.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта замонавий таълим ва билим берадиган Футбол академияси қад кўтарди.

Ишончим комил, замонавий спорт архитектурасининг ноёб дурдонаси бўлган ушбу мажмуалар минглаб бўлғуси чемпионларимиз учун юксак парвоз майдонига айланади.

Шу йилнинг ўзида ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 2 та олтин, 8 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритди. Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида кимёдан – иккинчи, математика ва иқтисодиётда – учинчи, IT ва география бўйича тўртинчи ўринни эгаллаган ўғил-қизларимиз тимсолида бўлғуси хоразмийлар, берунийлар, ибн синоларни кўрамиз.

Сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай интилувчан, истеъдодли ёшлар – Янги Ўзбекистоннинг олтин авлоди, ғуруримиз тимсолидир.

Бугунги унутилмас дамларда мен бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман:

Азиз фарзандларим, доимо ёдда тутинг:

бахт – интилганники, ғалаба – курашганники!

Келажакни мардлар, тарихни ғолиблар яратади.

Ҳамиша олдинга қараб интилинг, баҳодир ўғлонларим, оқила қизларим!

Сизларнинг эзгу ишларингизда Ватан, халқ, Президент барчангизга ҳамиша ишончли таянч ва суянч бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги Ўзбекистон инсон қадри устувор бўлган ҳуқуқий давлат ва шундай бўлиб қолади.

Биз одил судловга эришиш учун суд ишларини тўлиқ рақамлаштириш, инсон омилини камайтириб, сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича суд биносига бориб ўтиришга ҳожат қолмайди – тарафлар судда онлайн иштирок этади, судларда очиклик, ошкоралик таъминланади. Қисқача айтганда, мамлакатимиз “рақамлашган ва адолатли суд даври” оstonасида турибди, десак, муболаға бўлмайди.

Охирги уч йилда судланган шахсларнинг 70 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Уч мингга яқин фуқарога эса оқлов ҳукми чиқарилди. Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган уч мингдан зиёд юртдошимиз афв этилди.

Куни кеча яна ана шундай 523 нафар ҳамюртимизни ўз оиласи бағрига қайтариш бўйича фармонни имзоладим.

Бундай тарихий қадамлар вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуксиз жараёндир. Биз **“Ватан учун, миллат**

учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя асосида бу ишларимизни янги, юксак босқичга олиб чиқамиз.

Халқимиз фаровонлигига салбий таъсир қилаётган коррупция, монополия, бюрократия, дабдабабозлик, маънавий таҳдидларга қарши курашни кескин давом эттирамиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Жаҳонда геосиёсий вазият ўта кескин тус олаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Бундай таҳликали даврда Ўзбекистоннинг сиёсий йўли қандай бўлиши керак? Шиддат билан ўзгараётган халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўринни эгаллаш учун нима қилишимиз зарур? Бу саволлар ҳар бир юртдошимизни ўйлантиради, албатта.

Ҳозирги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, мустақиллигимизни, юртимиздаги тинчлик, миллатлар ва динлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугун Ўзбекистоннинг овози минтақавий ва халқаро майдонда тобора баланд янграмоқда. Юртимиз жаҳондаги кўплаб нуфузли саммитлар, халқаро форумлар ўтадиган сиёсий марказлардан бирига айланди. Бу анжуманлар Ўзбекистоннинг дунё аҳлини тинчлик ва ҳамкорликка чорлайдиган эзгу даъвати сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда ташқи сиёсат борасидаги позициямизни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Энг аввало, Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқамиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан анъанавий, кенг қамровли ва стратегик шериклик алоқаларини янада кенгайтирамиз.

АҚШ, Европа ва бошқа ривожланган давлатлар билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, кенг кўламли шериклик ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаймиз.

Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка минтақасидаги мамлакатлар билан янги ва истиқболли йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун транспорт-логистика йўлаklarини яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Афғонистон минтақавий ва глобал хавфсизликнинг муҳим омили эканидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатнинг ҳукумати билан конструктив ва амалий ҳамкорлик олиб бориш зарур, деб биламиз.

Биз Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциялари билан тасдиқланган ҳуқуққа, яъни, ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқига эга, деган қатъий позициямизни яна бир бор билдирамыз.

Эл-юртимиз уруш ва офатлар вақтида оғир вазиятга тушиб қолган бегуноҳ инсонларга доимо беғараз ёрдам кўрсатиб келган.

Биз инсонпарварлик анъаналаримизга содиқ қолиб, Ўзбекистонга олиб келинган Фаластин фуқароларига меҳмонларимиз сифатида зарур ижтимоий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус фармон қабул қилдик.

Бағрикенг, меҳр-оқибатли халқимиз ушбу фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан яқин ҳамкорлик доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Шу кунларда Хитойда яна бир йирик анжуман – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида, унинг доирасида кўплаб учрашув ва тадбирларда иштирок этамыз.

Шу сабабли Мустақиллик байрамини бугун сиз, азизлар билан, халқимиз билан биргаликда нишонлаб, эл-юртимиздан дуо олиб, эртага йўлга чиқишни режа қилганмиз. Ҳеч шубҳасиз, ана шу саммит натижалари ҳам Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва мавқеини юксалтиришга, кўп векторли ташқи сиёсат бўйича стратегик мақсадларимизни амалга оширишга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига самарали ҳамкорлик учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Олдимизда қандай синов ва машаққатлар пайдо бўлмасин, биз демократик ислохотларни чуқурлаштириш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқимизни рози қилиш йўлидан асло ортга қайтмаймиз. Бошлаган буюк ишларимизни албатта охирига етказамиз.

Ҳеч қачон унутмайлик: биз барчамиз битта халқ, битта мамлакат, битта оиламиз!

Ҳаммамизнинг тақдиримиз, келажагимиз, бахтимиз ва ютуғимиз ҳам ягона ва муштарак.

Ҳар бир ватандошимнинг ютуғи – бу менинг ютуғим, ташвиши – менинг ташвишим, деган фикр билан яшасак, ютуғимиз кўпайиб, ташвишимиз албатта камайиб боради.

Афсуски, дунёда турли таҳдид ва хатарлар кўп. Аммо уларга қарши биргаликда, бир тану бир жон бўлиб курашсак, албатта енгамиз.

Эзгу мақсад сари қўлни қўлга бериб, астойдил ҳаракат қилсак, албатта ютамыз.

Ҳар бир юртдошимиз ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган мана шундай ўткир талабларни чуқур англаб, жонажон Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилади, деб ишонаман.

Бу улуғ айёмда Янги Ўзбекистонни барпо этишдек олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга, меҳнаткаш, бағрикенг халқимизга миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан таъзим қиламан.

Муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни Мустақиллик куни билан яна бир бор самимий табриклаб, юрагимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Оллоҳ таоло азиз юртимизни ўз паноҳида асрасин!

Ҳар бир инсон, ҳар бир оилага тинчлик ва хотиржамлик, қут-барака, бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

Яшасин Ўзбекистон давлати!

Яшасин Ўзбекистон халқи!

• Қутлов

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining
tegishli farmonlari bilan:**

*O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vaziri Aziz Anvarovich
Tashpulatovga general-leytenant maxsus unvoni berildi.*

Хуршидбек РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги масъул ходими

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН –
МАНГУ ЎЗБЕКИСТОН!**

Она юртим катта давлат бўлмоқдадир,
Буни дунё англамоқда, билмоқдадир.

Буюкликка даъвогарлар бўлиб хайрон,
Кучоқ очиб интилоқда бизга томон.

Аждодларим дунё кезиб билим терган,
Маърифату адолатдан сабоқ берган.

Мангу яшар боболарнинг тафаккури –
Бўлиб авлодларнинг қалбда ёнган нури!

Инсон камол топган фақат китоб билан,
Элим яшар “Ўқинг!” деган хитоб билан.

Фикри уйғоқ, йўли равон, кўнгли озод,
Олтин авлод улғаймоқда, олтин авлод!

Юртга келган меҳмон борки, дарахт экар,
Бу ишидан ўзи ҳам бир фарах этар.

Ўзбек қайга борса ҳадя – китоб берган,
Илму урфон берган, меҳру офтоб берган.

Неча довон, тоғу тошу чўллар ошдик,
Юртлараро манфаатли йўллар очдик.

Бу зафарлар кўтармишдир юрт қаддини,
Энг аввало, азиз билиб эл қаддини.

Ислоҳот – бу ўзни ислоҳ қилмоқ асли,
Юрт ишига енг шимариб кирмоқ фасли.

Эл ишидан ким ўзини четга олса,
Ё сафларга шубҳа билан назар солса –

Бундай касни Яратган ҳам бандам демас,
Ўз тупроғин севмаса ким – биздан эмас!

Халқ ишончи, муҳаббати чин зафардир,
Янги авлод майдонларда музаффардир.

Шоҳсупадан тушмас энди полвонлари –
Олимпия шаҳрин қизу ўғлонлари!

Фидойилик – шу тупроқ-чун жонни тикмоқ,
Тинчлик учун ҳар фурсату онни тикмоқ.

Ватан ишқи – садоқату меҳнат билан,
Юрт ишончин оқлаш ҳалол хизмат билан.

Ўзбекистон – катта йўлга тушган карвон,
Шиддатидан, ҳайбатида дунё ҳайрон.

Шукр дейлик, берган шундай неъматига,
Кўз тегмасин тараққиёт суръатига.

Ҳар кун ҳисса қўшсак, дейман эл корига,
Мадад бўлиб она диёр меъмorigа.

Жаҳон аро бир жаҳон бу – нурли бўстон,
Янги Ўзбекистон – мангу Ўзбекистон!

Илмий мақолалар

Фирдавс НАСРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ташкилий департаменти
бош инспектори, подполковник

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА
ЭКСТРАДИЦИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

Глобаллашув даврида халқаро интеграция жараёнлари шиддат билан кечаётган ҳозирги замонда давлатлар ўртасида жиноятчиликка қарши самарали ҳамкорлик масаласи алоҳида аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш зарур. Демак, шу жараённинг асосий йўналишларидан бири экстрадиция институти ҳуқуқий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, халқаро ҳуқуқ тизимида кўп асрлик тарихий ривожланиш натижасида шаклланган ҳуқуқий механизмлар қаторида муҳим ўрин эгаллайди.

Дарвоқе, қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликда “экстрадиция” атамасига таъриф берилмаган. Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари мазкур тушунчага оид аниқ ҳуқуқий ифода мавжуд эмас, фақат илмий адабиётлар ва ўқув манбаалари орқали халқаро ҳуқуқ нормаларига таянилган ҳолда қўлланилган. Хорижий манбаларда эса экстрадиция одатда жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш мақсадида бошқа давлат юрисдикциясига топшириш жараёни сифатида таърифланади [1;590-б.].

Илмий тадқиқотларда экстрадициянинг ҳуқуқий моҳияти жиноят содир этган ва доимий яшаш мамлакатининг фуқароси ҳисобланмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки суд ҳукмида белгиланган жазони ижро этиш мақсадида ваколатли органлар юрисдикциясига топшириш жараёни халқаро шартномалар, миллий қонунчилик нормалари ҳамда ўзаро ҳамкорлик тамойиллари асосида амалга ошириладиган давлатлараро ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлади. Ушбу институтнинг илмий-ҳуқуқий аҳамияти – трансмиллий жиноятчиликка қарши курашни

кучайтириш, жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини кафолатлаш ва халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш билан ифодаланади [2; 13-б.].

Жаҳон амалиётида давлат томонидан экстрадиция тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин бўлган қуйидаги ҳолатлар: *биринчидан*, жиноят мазкур давлат ҳудудида содир этилган бўлса; *иккинчидан*, гумонланувчи шахс ушбу давлат фуқароси ҳисобланса; *учинчидан* эса содир этилган қилмиш миллий манфаатларга жиддий зарар етказса ва мамлакатнинг давлат хавфсизлигини сезиларли даражада заифлаштиради ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади. Ушбу асослар халқаро ҳуқуқда жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалга ошириш ҳамда давлат суверенитетини ҳимоя қилишнинг муҳим механизмлари сифатида намоён бўлади [3; 46-58 - б.].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларини экстрадиция қилмайди. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддаси 2-қисмида мустаҳкамланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас” [4]. Шунингдек, мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 12-моддасида ўз ифодасини топган: “Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушлаб берилиши мумкин эмас” [5]. Бундай қоидалар фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофазаси кафолатини таъминлайди ва давлат суверенитетининг муҳим белгиси сифатида намоён бўлади.

Жаҳон миқёсида экстрадиция ва суд ҳукмларини ижро этиш масалалари давлатлараро ҳуқуқий ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу жараёнларда халқаро ҳуқуқ нормалари, икки ва кўп томонлама шартномалар, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик тамойиллари асосида фаолият юритмоқда.

Маълумотлар кўра, 2024 йил биринчи ярим йиллигида жами **355 та** экстрадиция сўров келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич жорий йилнинг мос даврига нисбатан **389 тага** етган. Шу давр мобайнида **37 та**, ўтган йилнинг мос даврида эса **22 та** Ўзбекистон Республикаси томонидан хорижий

давлатларга йўлланган сўров турли ҳуқуқий ва сиёсий асосларга кўра рад этилган [6]. Айрим ҳолларда бундай рад этишлар сиёсий манфаатдорлик, миллий хавфсизлик ёки давлатлараро муносабатлардаги муайян геосиёсий омиллар билан изоҳланади.

Шу тариқа Ўзбекистон Республиканинг ҳуқуқий амалиётида экстрадиция масалалари нафақат жиноий адолатни таъминлаш воситаси, балки давлатлараро ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги ва халқаро мажбуриятларни бажаришда муҳим ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлмоқда. Экстрадиция жараёнларида айрим давлатлар томонидан йўлланган сўровларни қондиришдан воз кечиш ҳолатлари кузатилмоқда, бу эса халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик механизмлари самарадорлигига таъсир этувчи омил сифатида намоён бўлади.

Бундай ҳаракатлар амалда жиноят содир этган шахсларни жавобгарликдан қочиш имкониятини кучайтиради ҳамда 1957 йилда қабул қилинган “*Жиноятчиларни топшириш тўғрисида*”ги Европа конвенциясида ҳамда БМТнинг 2000 йилги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Палермо конвенцияси назарда тутилган халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни бузишга олиб келади. Шу билан бирга, халқаро майдонда давлатлар ўртасида самарали ҳуқуқий ҳамкорликнинг ижобий мисоллари ҳам мавжуд. Хусусан, ўтган йил давомида бир қатор хорижий давлатлар Ўзбекистон Республикасига йўллаган сўровларга ҳуқуқий асосда ижобий муносабат билдириб, 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида 83 нафар, жорий йилнинг мос даврига нисбатан 81 нафар шахслар экстрадиция қилинган ҳолда мамлакатга қайтарилган [7].

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, экстрадиция соҳасидаги асосий муаммолардан бири давлатлар ўртасида ҳамкорлик жараёнлари билан боғлиқ эканлиги кузатилади. Бу эса халқаро ҳуқуқий тартибот ва хавфсизликни таъминлашда қатор ташкилий ва ҳуқуқий қийинчиликларни юзага келтиради. Охирги йиллардаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда оғир жиноятларда гумон қилинган шахсларнинг экстрадиция қилиниши бўйича юборилган айрим сўровлар қаноатлантирилмаган. Бундай ҳолатлар эса жиноятчиликка қарши курашда давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик имкониятларига маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин [8; 253-255 - б.].

Аҳамият қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлардан бири – мамлакатимизда экстрадиция масалаларини норматив тартибга солиш билан боғлиқ муаммолардир. Ўзбекистонни ҳуқуқий тизимида жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш ёки жазони ижро этиш мақсадида шахсларни экстрадиция қилиш тартибини аниқ белгилайдиган алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини татбиқ этиш, айниқса, жиноят ишлари доирасида хорижий давлатнинг суд қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш масалаларини бўйича нормаларни тизимлаштириш зарурлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси асосида экстрадиция тизимини амалга ошириш жараёнида қатор танқидий бўшлиқлар мавжудлиги кузатилади. Жумладан, давлатлараро ҳамкорликдаги муаммолар, гумон қилинувчи ёки жазога ҳукм этилган шахсларни топшириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар шулар жумласидандир. Мазкур бўшлиқлар эса ички ҳуқуқий муаммолар ҳамда турли ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар билан изоҳланади [9; 184-186 - б.].

Амалдаги ҳуқуқий тизим таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда экстрадиция жараёнини тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмас. Амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқлар бу кўрсаткичларга таъсир кўрсатмоқда. Айтиш жоизки, хусусан: **“экстрадиция қилинадиган шахс”** тушунчаси қонунчиликда аниқ таърифланмаган; халқаро қидирув эълон қилиш ва уни амалга ошириш тартиби белгиланмаган; экстрадиция жараёнида шахснинг процессуал ҳуқуқларини кафолатлайдиган механизм назарда тутилмаган. Шу нуқтаи назардан, муаллиф илмий тақлиф сифатида қуйидаги таърифни келтиради: **Экстрадиция қилинадиган шахс** – халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликда назарда тутилган тартибда жиноят содир этганликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки суд ҳукми билан жиноят содир этганлиги тасдиқланган, шу билан бирга унинг ҳуқуқ ва эркинликлари экстрадиция жараёнида давлат томонидан кафолатланиши шарт бўлган жисмоний шахсдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида 25-26-моддаларида шахснинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган бўлиб бу экстрадиция жараёнида асосий ҳуқуқий мезон сифатида

таъминлаш зарур. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Минск (1993) ва Кишинёв (2002) конвенцияларида ҳамда бир қатор икки томонлама шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлари миллий қонунчиликда тўла акс этмаган.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, экстрадиция ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тизимида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлидаги асосий жиҳатлардан бири эканини таъкидлаш зарур. Экстрадициянинг ҳуқуқий табиати ва уни амалга ошириш жараёнларига оид таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу жараён халқаро жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий воситаси сифатида аҳамиятга эга. Шу боис, экстрадиция жараёнида юзага келаётган ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш, давлатлараро ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ёки ягона қонунни қабул қилиш зарур. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 365-моддасига **“халқаро қидирув эълон қилиш ва уни амалга ошириш тартибни аниқ белгилайдиган қўшимча нормани”** киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дарвоқе, экстрадиция институти трансмиллий жиноятчиликка қарши курашининг муҳим ҳуқуқий воситаси эканлигини аниқлади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида “экстрадиция” тушунчасига аниқ таъриф берилиши ҳамда халқаро қидирув эълон қилиш ва уни амалга ошириш тартибини белгиловчи меъёрларни ЖПКга киритиш, шунингдек, экстрадиция жараёнида шахснинг процессуал ҳуқуқларини кафолатловчи механизмларни янада мустаҳкамлаши зарур. Бу каби ҳуқуқий ислохотларда давлатлараро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш ва жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда мажбуриятларни бажаришда ўз нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Cassese, A. *International Criminal Law*. Oxford University Press. 2005. – С. 590.
2. Умарханова Д. Ш. Экстрадиция бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 13-б.

3. Гончарова Н. Н. Экстрадиция: направления развития // *Oeconomia et Jus*. – 2024. – № 1. – С. 46–58.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 1 май. – URL: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат қилинган сана: 28.08.2025).
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: 1994 йил 22 сентябрдаги ҳолати. – URL: <https://www.lex.uz/acts/111453> (мурожаат қилинган сана: 28.08.2025).
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотномаси. – Тошкент: 2025.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотномаси. – Тошкент: 2025.
8. Гнедчик В. Ю. Институт экстрадиции: проблемы реализации в контексте современной геополитической ситуации // Молодежь, наука и цивилизация: материалы международной студенческой научной конференции. – Красноярск, 2023. – С. 253–255.
9. Федоренко Д. В. Проблемы экстрадиции как международно-правовой категории // Актуальные вопросы юриспруденции: сборник статей XIII Международной научно-практической конференции. – Пенза, 2022. – С. 184–186.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида экстрадиция жараёнининг ҳуқуқий асослари ҳамда амалдаги қонунчиликда бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган. Муаллиф экстрадиция жараёнини тартибга солувчи алоҳида қонунни қабул қилиш ҳамда Жиноят-процессуал кодексига қўшимча нормалар киритиш бўйича илмий таклифлар тавсия этади.

В статье анализируются правовые основы экстрадиции в Республике Узбекистан, существующие пробелы в действующем законодательстве и пути их устранения. Автором предложено принятие отдельного закона

об экстрадиции, а также внесение дополнительных норм в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан.

The article analyzes the legal basis of extradition in the Republic of Uzbekistan, the existing gaps in current legislation, and possible solutions to overcome them. The author proposes the adoption of a special law regulating extradition and the introduction of additional norms into the Criminal Procedure Code of Uzbekistan.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН:

*Арзон тош синдирса заркосани гар,
Тош нархи ошмайди, пастка тушмас зар.*

Шайх САЪДИЙ

*Мен Ҳофиз нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасини эрта тонгда
туриш, сиҳат-саломатликка интилиш ва Қуръони Каримдан топдим.*

Хожа Ҳофиз МУҲАММАД

*Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир мард, ҳеч кимга бўлмас аср. Ўтмак
сира мағлубни тегиб, мардлик эмас. Тутса қўлидан забунни улдир мард.*

Паҳлавон МАҲМУД

*Мен мўъжизага ишонмаганимда шеър ёзмаган бўлар эдим. Ахир
шеърят ҳам ютган-битгани мўъжизада!*

МИРТЕМИР

Умида МАҲМУДХОДЖАЕВА,
Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти,
юридик фанлари доктори

БОЛАНИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРГА ОЛИБ ЧИҚИШДА ОТА-ОНАНИНГ АЙРИМ ҲУҚУҚИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Замонавий дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган шароитда фуқароларнинг халқаро миграцияси, бизнес алоқалари ва таълим олиш мақсадларида хорижга сафарлари тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон фуқароларида ҳам турли мақсадларда болаларини хорижга олиб чиқиш ҳолатлари кўпайган, бу эса мазкур мавзунинг долзарблигини янада оширмоқда. Айниқса, ҳозирги кунда болаларнинг спорт мусобақаларига, халқаро доирадаги интеллектуал ўйинларга, шунингдек саёҳатларга олиб чиқиш сони сезиларли даражада ошган. Бу эса ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида янги ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Турли халқаро спорт турнирлари, олимпиада ва интеллектуал мусобақаларда қатнашиш, туристик сафарлар мақсадида болаларни хорижга олиб чиқиш жараёнларида ота-онанинг қонуний вакиллик ҳуқуқи ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари янги талқинга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “**Болалар ҳуқуқлари тўғрисида**”ги қонуни ва Оила кодексида мавжуд нормалар хорижга чиқиш жараёнларининг барча жиҳатларини, айниқса спорт ва интеллектуал фаолиятга боғлиқ сафарларни қамраб олмаслиги кузатилмоқда. Амалиётда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда қонуний асосларнинг етишмаслиги ва халқаро андоза, стандартларга мослаштириш зарурати мавжуд.

Сўнгги йилларда хорижга чиқувчи болалар сони, жумладан спорт мусобақалари ва интеллектуал турнирларга қатнашиш мақсадида сафарлар 40-50 фоизга ошгани кузатилмоқда. Бундай ҳолатларда ажрашган ота-онадан бирининг розилик бермаслиги, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

томонидан «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»¹ги Конвенцияси, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»²ги ҳамда «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»³ги халқаро пактлар, МДХга аъзо давлатлар томонидан 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида қабул қилинган «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»⁴ги Конвенция, 1980 йилги Гаага конвенцияси⁵ (Болаларни халқаро ўғирлаб кетишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида), болаларнинг энг устун манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек болаларни халқаро миқёсда ўғирлаш масалаларини тартибга солса-да, спорт мусобақалари ва интеллектуал ўйинларга қатнашиш мақсадида хорижий давлатларга болаларни олиб чиқиш механизми етарли даражада тартибга солинмаган. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси ва Европа Иттифоқининг бошқа минтақавий стандартлари ҳам мазкур соҳада янги ёндашувларни талаб қилмоқда.

Ҳуқуқий таълимотлардан яна бири “*боланинг энг устун*” доктринаси бўлиб, дунёдаги болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатида асосий тушунча бўлиб, у асосан васийлик, ҳомийлик, алимент, болани фарзандликка олиш ва бошқа масалалар каби оилавий низолар соҳасида қўлланилади⁶. Ушбу таълимотнинг умумий мазмуни шундан иборатки, болаларга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган сиёсат, қонунлар ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги 757-ХП-сонли қарори [Электрон ресурс]: <http://www.lex.uz>.

² Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 а (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартда кучга кирган. [Электрон ресурс]: <http://www.lex.uz>.

³ *Изоҳ*: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт Бош Ассамблеянинг 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1976 йил 3 январда кучга кирган, Ўзбекистон Республикаси мазкур Халқаро пактга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-И-сонли қарорига асосан қўшилган [Электрон ресурс]: <http://www.lex.uz>.

⁴ Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам Минск. 22 января 1993 г. (Минск, 1993 йил 22 январь, Ўзбекистон Республикаси учун кучга кириши 1994 йил 19 май) [Электрон ресурс]: <http://www.lex.uz>.

⁵ <https://lex.uz/docs/2689085>.

⁶ Stephen Parker (1994), “The Best Interests of the Child: Principles and Problems; The Best Interest of the Child; Reconciling Culture and Human Rights”, International Journal of Law, Policy and the Family, Vol. 8, Issue 1, p. 27.

қарорлар қабул қилинганда боланинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига асосий эътибор ва устуворлик берилиши керак.

Боланинг “**энг устун манфаатлари**” концепсиясини аниқ белгилаш борасидаги илмий доктринада ҳалигача мунозаралар мавжуд. В.П. Грибанов сўзларига кўра “**манфаат**” атамаси турли маъноларла қўлланилади. Манфаатни объектив ва субъектив томонларнинг комбинацияси сифатида ҳамда онгли туртки шаклини олган ва ҳаётда истак, ният ва интилиш шаклида намоён бўладиган эҳтиёж сифатида тушунилиши керак⁷. Ю.Ф. Беспалов боланинг манфаатини унинг тўғри тарбияланиши, қўллаб-қувватланиши ва муваффақиятли ривожланиши, мустақил ҳаётга тайёрланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш зарурати деб тушунади⁸.

Шундай қилиб, боланинг энг устун манфаати тарбиянинг тегишли шarti ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар тизимини яратиш сифатида қаралиши лозим. Болаларнинг энг устун манфаати ота-оналар болани тарбиялаш ва ғамхўрлик қилиш ҳуқуқидан фойдаланишнинг энг юқори имкониятлари билан боғлиқ.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, МДХ давлатларида оила ҳуқуқи концепцияси боланинг етуқлиги, тажрибаси ва ҳаётий қийин қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган фикрлаш қобилиятига эга эмаслиги ҳақидаги тахминга асосланади⁹. Ушбу концепциядан келиб чиққан ҳолда доктринада вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тушунчаси қуйидагиларни англатади:

- *болаларга хос бўлган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари даражасини кўрсатадиган имкониятлар;*

- *болаларга мавжуд имтиёзлардан фойдаланишга қаратилган имкониятлар, болаларнинг зарур манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатлар;*

⁷ Грибанов В. П. Интерес в гражданском праве. Советское государство и право. 1967. N. • 1. С. 49-53.

⁸ Беспалов Ю.Ф. Теоретические и практические проблемы реализации семейных прав ребенка в Российской Федерации : Дис. ... д-ра юрид. наук : 12.00.03 : Москва, 2002. С. 92.

⁹ David C. Buxbaum. Family Law and Customary Law in Asia. <https://link.springer.com/book/10.1007/978-94->

- давлат органларининг болалар манфаатлари доирасига, боланинг шахсияти ва истеъдодини ривожлантириши имкониятларига таъсирини кенгайтириши;

- болани унинг ақлий ва ҳиссий ривожланишига таъсир қилиши мумкин бўлган турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш назарда тутилади¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 74-моддаси болани хорижий давлатларга олиб чиқиш жараёнларига татбиқ этишда энг муҳим масала ота-онанинг қонуний вакиллик ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқ принциплари билан уйғунлашишда кўринади. Модда бўйича ота-она алоҳида ваколатсиз ўз болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлса-да, хорижий давлатларга чиқиш жараёнида бу ҳуқуқ қўшимча шарт ва талабларга дуч келади. Амалиётда кўплаб ҳолатларда ота(она)нинг бири болани хорижга олиб чиқиш учун иккинчи ота(она)нинг розилигини олиш мажбуриятини олиш лозим бўлади. Бу ҳолат 74-моддада белгиланган “алоҳида ваколатсиз” принципи билан қисман зиддиятга киради, чунки амалда қўшимча розилик талаб қилинади. Бундай чегаралашлар болаларнинг спорт мусобақалари, интеллектуал турнирлар ёки оилавий саёҳатларга бориш имкониятларини сезиларли чеклаши мумкин.

Болани хорижга олиб чиқиш жараёнида манфаатлар қарама-қаршилиги турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Ота(она)нинг бири болани хорижга доимий яшаш учун олиб кетмоқчи бўлиб, бошқаси буни истамаган ҳолатда суднинг қарори зарур бўлади. Шунингдек, ота-она ўз шахсий манфаатлари йўлида болани хорижга олиб чиқмоқчи бўлганда ҳам мазкур норма қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4079-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом – вояга етмаган фуқароларга биометрик хорижга чиқиш паспортини расмийлаштириш масаласида асосий нормаларни белгилаб беради. Низомда бевосита белгиланишича, вояга етмаган фуқарога (яъни 18 ёшга тўлмаган шахсга) хорижга чиқиш паспортини расмийлаштириш чоғида

¹⁰ Урунова С.В. Проблемы защиты прав детей в международном частном праве. Дисс. ... кан.юрид.наук. Душанбе – 2023. С.112.

ота-онадан бири ёки қонуний вакилнинг розилиги талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–4079-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, агар ота-онанинг бири фарзанднинг хорижга чиқишига рози бўлмаса, у судга мурожаат қилиб, боланинг хорижга чиқишини чеклаш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига эга. Суд органларининг иш юритиш муддатлари кўп ҳолларда бир неча ҳафтагина эмас, балки ойлаб чўзилиши мумкин. Шу сабабли, ота-оналарнинг бири томонидан судга мурожаат қилинганда:

боланинг хорижга чиқиши санаси яқин бўлса, суд қарор чиқаргунча ушбу сана ўтиб кетиши мумкин; судда бир неча маротаба эшитувлар, далил тўплаш, иштирокчиларни чақириш, ҳуқуқий хулоса тайёрлаш каби жараёнлар вақт талаб қилади.

Натижада болага визаси берилган бўлса ҳам, удан фойдаланишга улгурмаслиги, таълим, даволаниш ёки спорт мусобақаларида қатнашиш имконидан маҳрум бўлиши мумкин.

Болани хорижий давлатга олиб чиқишда ота-онанинг бирортасини розилиги мавжуд бўлмаганда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, аввало, бола ҳуқуқлари ва ота-онанинг тенг ҳуқуқлилиги асосида ҳал этилиши лозим. Қонунчиликдаги айрим бўшлиқларни тўлдириш учун қуйидаги норматив-ҳуқуқий таклифни бериш мумкин:

Оила кодексига қуйидаги мазмундаги 75¹-моддани киритиш таклиф этилади:

“75¹-модда. Болани хорижий давлатга олиб чиқишда ота-онанинг розилиги; Болани вақтинчалик ёки доимий яшаиш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишда ота-онанинг ёзма розилиги талаб этилади. Агар ота-онанинг бири болани олиб чиқишга рози бўлмаса ёки розиликни бермасдан туриб бола олиб чиқилган бўлса, норози бўлган ота ёки она боланинг чиқиб кетишини ёки хорижда бўлишини ноқонуний деб топиш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир”.

Суд масалани боланинг манфаатларидан келиб чиқиб кўриб чиқади ва тарафларнинг далилларига асосланиб, боланинг чет давлатга олиб чиқилиши ёки қайтарилиши бўйича қарор қабул қилади. Суд қарори қабул қилингунга қадар, тегишли органлар (ДХХ Чегара хизмати, ички ишлар

органлари) болани вақтинча мамлакатдан чиқаришни тўхтатиб туриш чорасини кўради.

ОКни қуйидаги мазмундаги 75²-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ саналади. 75²-модда Боланинг махсус мақсадларда хорижий давлатларга олиб чиқиши тартиби. Вояга етмаган болани хорижий давлатларга олиб чиқишда ота-оналардан бири розилик бермаган ҳолларда, боланинг спорт мусобақалари, халқаро фан ва интеллектуал беллашувлар, маданий тадбирлар ёки туристик саёҳатларда иштирок этиши мақсадида хорижга чиқишини таъминлаш учун вақтинча ва чекланган ваколатли розилик васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилиши мумкин.

Бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органлари қуйидаги шартлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади: боланинг хорижга чиқиш мақсади расмий ҳужжатлар (ташкилий таклиф, спорт ёки фан мусобақасига чақирув, туристик сафар дастури) билан тасдиқланган бўлиши; боланинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид йўқлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлиши; ота ёки онанинг розилик бермаслик сабаблари асоссиз, боланинг манфаатларига зид эмаслиги назарда тутилади.

Қарор васийлик ва ҳомийлик органининг махсус комиссияси томонидан қабул қилинади ва унинг асосида болага хорижга чиқиш учун рухсат берилиши мумкин.

Болани хорижга олиб чиқаётган ташкилот – спорт федерацияси, таълим муассасаси, туризм агентлиги ёки бошқа ваколатли ташкилот – боланинг хориждаги ҳаёти ва соғлиғи бўйича тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади. Бу жавобгарлик ташкилотнинг раҳбарияти томонидан тасдиқланган ва тегишли давлат органларига тақдим этилган кафолат хати орқали таъминланади.

Хулосага кўра, ушбу моддада боланинг хорижга чиқиши бевосита ота-оналарнинг келишувига боғлиқ эмас, агарда ушбу чиқиш боланинг таълим, спорт, интеллектуал ривожланиш ёки маданий алмашинув соҳаларида манфаатларини амалга оширишга қаратилган бўлса, назарда тутилган тегишли ҳолатлар ҳисобга олинади.

РЕЗЮМЕ

Ушбу таҳлилий мақолада боланинг энг муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш концепцияси замонавий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан ўрганилди. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, суд амалиёти ҳамда ҳуқуқни қўллаш тажрибаси асосида ёритилди. Шу муносабат билан, болани хорижга олиб чиқишга рухсат бериш, алоқани сақлаш, васийлик ва ҳомийликнинг иштироки ҳамда суд томонидан боланинг энг устун манфаатини баҳолаш мезонлари тадқиқ этилди ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

В данной аналитической статье рассмотрена концепция защиты наивысших интересов ребенка с позиции современной правовой теории и практики. Статья освещена на основе международного права, включая Конвенцию ООН о правах ребенка, а также действующего законодательства Республики Узбекистан, судебной практики и опыта применения права. В связи с этим исследованы механизмы разрешения на вывоз ребенка за границу, поддержания связи с ребенком, участие опеки и попечительства, а также критерии оценки наивысших интересов ребенка судами. Также предложены рекомендации по совершенствованию национального законодательства.

This scientific-analytical study examines the concept of protecting the paramount interests of the child from the perspective of modern legal theory and practice. In particular, the legal grounds for defining the rights and obligations of parents when taking a child abroad and the essence of their practical application were analyzed. Cases have been analyzed where the balance between the personal freedoms of parents and the interests of the child leads to complex legal disputes. In this regard, the issues of granting permission to take the child abroad, maintaining contact with the child, the participation of guardianship and trusteeship authorities, as well as the criteria used by courts to assess the child's paramount interests were studied. Recommendations and proposals for improving national legislation were also developed.

Umida SHARAHMETOVA,
Toshkent davlat yuridik universiteti Fuqarolik huquqi kafedrası professori,
yuridik fanları doktori

OILAVIY-HUQUQIY JAVOBGARLIK TURLARI NAMOYON BO‘LISHINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Ota-onalik huquqlaridan mahrum qilish oilaviy-huquqiy javobgarlikning bir turi hisoblanadi. Bu javobgarlik chorası farzandlarning huquq va manfaatlarını qo‘pol ravishda buzgan ota-onalarga nisbatan qo‘llaniladi. Ota-onalik huquqidan mahrum qilish asoslari qonunda aniq belgilangan bo‘lib, ularga ota-onalik majburiyatlarını bajarishdan bo‘yin tovlash, aliment to‘lashdan qasddan bo‘yin tovlash, ota-onalik huquqidan g‘arazli foydalanish, bolalarga nisbatan shafqatsız muomalada bo‘lish, jumladan jismoniy yoki ruhiy zo‘rlik ishlatish, bolalarning jinsiy daxlsızligiga tajovuz qilish kabi holatlar kiradi.

Oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi turi ota-onalik huquqlarını cheklashdir. Bu chora ota-ona o‘z xulq-atvorını o‘zgartırishi mumkin deb hisoblangan hollarda qo‘llaniladi. Aliment majburiyatlarını bajarmaganlik uchun javobgarlik oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi hisoblanadi. Bu javobgarlik turi aliment to‘lash majburiyatını buzgan shaxslarga nisbatan qo‘llaniladi va bir qator sanksiyalarnı o‘z ichiga oladi. Jumladan, aliment to‘lovlarını o‘z vaqtida amalga oshirmagan shaxslardan har bir kechiktırilgan kun uchun neustoyka undıriladi, ularning mol-mulki xatlanishi mumkin, chet elga chiqish huquqi cheklanishi mumkin.

Oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi turi - nikohnı haqiqiy emas deb topishdir. Bu javobgarlik chorası nikoh tuzish shartları va tartibi buzilgan hollarda qo‘llaniladi. Farzandlikka olishni bekor qilish oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi turi sifatida namoyon bo‘ladi. Bu javobgarlik chorası farzandlikka oluvchılar o‘z majburiyatlarını lozim darajada bajarmagan, farzandlikka olingan bolaga nisbatan shafqatsız munosabatda bo‘lgan, uning huquq va manfaatlarını buzgan hollarda qo‘llaniladi.

Vasiylik va homiylikni bekor qilish oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi turiga kiradi. Bu chora vasiy yoki homiy o‘z majburiyatlarını lozim

darajada bajarmagan, vasiylik yoki homiylik ostidagi shaxsning huquq va manfaatlarini buzgan hollarda qo'llaniladi.

Oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi turi - nikoh shartnomasi shartlarini buzganlik uchun javobgarlikdir. Bu javobgarlik turi nikoh shartnomasida belgilangan majburiyatlarni bajarmagan yoki lozim darajada bajarmagan tarafga nisbatan qo'llaniladi.

Oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi turi - bu er-xotinning umumiy mol-mulkiga nisbatan huquqlarni suiiste'mol qilganlik uchun javobgarlikdir. Bu javobgarlik turi er yoki xotin umumiy mol-mulkni boshqa tarafning rozilgisiz tasarruf etgan, uni noqonuniy ravishda begonalashtirgan, zarar yetkazgan yoki isrof qilgan hollarda qo'llaniladi.

Oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi turi - bu oila a'zolarining shaxsiy nomulkiy huquqlarini buzganlik uchun javobgarlikdir. Bu javobgarlik turi oila a'zolarining sha'ni, qadr-qimmati, obro'sini tahqirlash, shaxsiy hayot sirlarini oshkor qilish, shaxsiy erkinliklarini cheklash kabi holatlarda qo'llaniladi.

Oilaviy-huquqiy javobgarlikning navbatdagi turi - bu oilaviy majburiyatlarni bajarmaganlik yoki lozim darajada bajarmaganlik uchun javobgarlikdir. Bu keng qamrovli javobgarlik turi bo'lib, u oilaviy munosabatlar ishtirokchilarining turli xil majburiyatlarni buzganligi uchun qo'llaniladigan sanksiyalarni o'z ichiga oladi.

Maqola predmetini tahlil etganda, qiyosiy va tahliliy usullarni qo'lladik. Amaldagi qonunlardan foydalandik. Tahlilning induktiv va dedektiv usullarini ham ishlatdik. Qayd etish lozimki, oilaviy-huquqiy javobgarlikning turlari, mazmuni va umumiy asoslarini yanada tadqiq qilish zarurligi dolzarbligini saqlab qolmoqda. Oilaviy-huquqiy javobgarlik doirasidagi sanksiyalarni aniq belgilash kerak, bu oila huquqidagi himoya choralari va javobgarlik choralari o'rtasini ajratish imkonini beradi. Oilaviy-huquqiy javobgarlik uchun majburiy asoslar – oilaviy huquqiy munosabat sub'yektlarining huquqqa xilof xulqi va ularning aybi hisoblanadi.

Tahlil natijasidan quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

Hozirgi kunda mavjud bo'lgan muammolardan biri, oila huquqida shaxsiy nomulkiy huquqlar alohida tadqiq etilmaganligi, unga doir nazariy qoidalar mukammal tarzda normalanmaganligidir. Oilaviy-huquqiy sanksiyalar qatoriga

faqatgina mulkiy bo'lmagan xarakterdagi sanksiyalarni kiritish taklif etiladi. Mulkiy xarakterdagi sanksiyalar (ma'naviy zararni qoplash, merosdan mahrum qilish, zararlarni undirish) garchi ular oilaviy munosabatlarning o'ziga xos jihatlarni aks ettirsa ham fuqarolik-huquqiy xarakterga ega[1].

Oila huquqida oilaviy-huquqiy sanksiyalar, shaxsiy nomulkiy huquqlarni muhofazasiga bag'ishlangan qonunlarda hali jiddiy kamchiliklar mavjud:

-ularda birmuncha yechim talab muhim muammolar bor;

-ba'zi me'yorlarda turli tarmoq huquq ularga tegishli normativ qoidalar belgilanadi va tarqoq holda sochilib ketgan me'yorlar ko'payadi;

-qoidalar asosan nomulkiy huquqlarga himoya qilishga yo'naltiriladi (nomulkiy munosabatlarni tartibga solishga kamdan-kam yo'naltiriladi).

-qonunlarda belgilangan nomulkiy huquqlarni himoya usulining o'zi qo'shimcha tadqiqni, vositalarni qo'llashni talab qiladi;

-buzilgan (bahslashiladigan) huquqlarni himoyalash usulining o'zi muayyan muhofazaga, kafolatga muhtoj, masalan ma'muriy organlarga shikoyat va xatlar bilan murojaat etish usuli ham yaxshi natija beravermaydi.

Shaxsiy nomulkiy huquqlarni tartibga soluvchi huquqiy asoslarning rivojlanishidagi bosh yo'nalish bu huquqlarni yanada to'liq tartibga solish va bu sohada qonunlar rolini oshirish deb o'ylaymiz. Respublikamizda huquqiy davlatni shakllantirish, O'zbekistonning turli mamlakatlar bilan o'zaro aloqalari va o'zaro bog'liqligining kengayishi, xalqaro mehnat taqsimotining chuqurlashuvi, tashqi iqtisodiy, ilmiy-madaniy aloqalarning rivojlanishi, shuningdek mamlakatimiz huquqiy tizimi bilan jahon huquqiy tizimining integratsiyasi shaxsiy nomulkiy huquqlarni huquqiy tartibga solishda o'z mujassamini topishi lozim.

Oilaviy-huquqiy javobgarlik o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, bu uni boshqa huquqiy javobgarlik turlaridan farqlaydi. Birinchidan, u faqat oilaviy-huquqiy munosabatlar doirasida yuzaga keladi. Ikkinchidan, oilaviy-huquqiy javobgarlik choralari ko'pincha shaxsiy xarakterga ega bo'ladi va mulkiy sanksiyalar bilan birga qo'llanilishi mumkin. Uchinchidan, bu javobgarlik turi huquqbuzarning aybli harakatlari natijasida yuzaga keladi va qonunda belgilangan tartibda qo'llaniladi.

Oila huquqi doktrinal tamoyillari OKning 1-moddasida normativ ravishda mustahkamlangan oilaviy qonunchilikning asosiy qoidalarini kengaytirish uchun

o'ziga xos zaxira bo'lganligini inobatga olgan holda, ushbu munozarani davom ettirish va oila huquqining yana bir doktrinal tamoyili – oilaviy qonunchilikni buzganlik uchun javobgarlik tamoyilini muhokama qilish uchun taklif etish lozim. Biroq, uning mazmuni va amalga oshirish mexanizmlarini aniqlashga kirishishdan oldin, “oilaviy qonunchilikni buzganlik uchun javobgarlik” tushunchasidan nima tushunish lozimligi va ushbu atama “oila-huquqiy javobgarlik” tushunchasi bilan qanday bog'liqligini aniqlash lozim.

O.S.Turusova ta'kidlaganidek, ushbu tushunchalarni bir-biriga aralashtirish mumkin emas. Bu atamalar sinonim emas, chunki “oila huquqidagi javobgarlik” – bu kengroq tushuncha bo'lib, u o'z ichiga nafaqat oilaviy-huquqiy javobgarlikni, balki fuqarolik-huquqiy, ma'muriy va jinoiy javobgarlikni ham qamrab oladi”[2]. Shu munosabat bilan, agar oila huquqi mustaqil huquq sohasi sifatida qaraladigan bo'lsa, oilaviy-huquqiy javobgarlik – bu yuridik javobgarlikning alohida, mustaqil turi hisoblanadi. Mazmunan, oilaviy-huquqiy javobgarlik choralari “huquqbuzarlarning huquqlarini mahrum qilish yoki cheklashda ifodalanadi, chunki bunday shaxslarga majburiy ta'sir o'tkazishning boshqa usullari mavjud emas. Huquqbuzar uchun noxush oqibatlar shaxsiy xarakterdagi mahrumotlar, shu jumladan, oilaviy huquqqa layoqatni cheklash ko'rinishida paydo bo'lishi mumkin”.

Chunki “oilaviy qonunchilik qoidalarini buzganlik uchun javobgarlik” tushunchasi kengroq bo'lib, o'z ichiga “oilaviy-huquqiy javobgarlik”ni tarkibiy qism sifatida oladi, shu bois oilaviy qonunchilik qoidalarini buzganlik uchun “klassik” yuridik javobgarlik turlari qanday namoyon bo'lishini aniqlash zarur. Hozirgi vaqtda Jinoyat kodeksi (JK)da oilaviy qonunchilik qoidalarini buzganlik uchun aybdorlarni jinoiy javobgarlikka tortish imkonini beruvchi bir qator jinoyat tarkiblari mavjud. Bunday tarkiblar qatoriga (JKning “Maxsus qismi” “birinchi bo'limi” “Shaxsga qarshi jinoyatlar”ning V-bobida) bolani almashtirish, noqonuniy farzandlikka olish, uning sirini oshkor qilish va h.k. kiradi. Ota-onalar va katta yoshdagi farzandlarning o'zaro ta'minlash majburiyatlarini bajarmaganligi uchun ma'muriy javobgarlik choralari Ma'muriy javobliklar to'g'risidagi kodeksi (MJTK)ning 47 va 47.5-moddalarida nazarda tutilgan[3].

Shu bilan birga, oilaviy huquq normalari bilan tartibga solinadigan munosabatlar spesifikasi shundayki, uni “an'anaviy” yuridik javobgarlik turlari

bilan qamrab olish qiyin (ba'zan esa umuman mumkin emas). Bu holat ko'p yillik bahslarni yuzaga keltirgan: alohida, mustaqil yuridik javobgarlik turi – oilaviy-huquqiy javobgarlik mavjudmi, agar mavjud bo'lsa, u nimadan iborat, uning doirasida qanday sanksiyalar qo'llanilishi mumkin? [4].

Ushbu bahs O'zbekiston huquqida mustaqil yuridik javobgarlik turlari sonini oshirish muammosi doirasida olib boriladi. Bunday oshirish tarafdorlari an'anaviy tarmoq javobgarlik turlaridan (jinoiy, fuqarolik-huquqiy, ma'muriy, intizomiy, xalqaro-huquqiy, shuningdek moddiy) tashqari "konstitutsiyaviy, jinoyat-prosessual, fuqarolik-prosessual, iqtisodiy-prosessual, ekologik javobgarlik, shuningdek soliq, bojxona, oilaviy-huquqiy va boshqa turlarning mavjudligini tan olish kerak"ligini ta'kidlaydilar[5].

Boshqa mualliflar esa, aksincha, garchi "tegishli huquq sohalari mavjud" bo'lsa ham oilaviy-huquqiy, ekologik javobgarlik mavjudligi haqida gapirish qiyin ekanligini ta'kidlaydilar[6]. Masalan, V.A.Kisluxin yozadiki, "oilaviy-huquqiy javobgarlik, uning ma'lum bir spesifikaga ega bo'lishiga qaramay, fuqarolik-huquqiy javobgarlikka o'xshashdir, uning tarkibiy qismi hisoblanadi va oilaviy-huquqiy normalar asosida shaxsning o'z aybli, noqonuniy xulqi uchun huquqdan mahrum bo'lish yoki boshqa noxush oqibatlarga duchor bo'lish majburiyatini anglatadi"[7].

Nihoyat, mualliflarning uchinchi guruhi, oilaviy-huquqiy javobgarlik institutining tarmoqlararo xususiyatini tan olgan holda, "oilaviy-huquqiy javobgarlikning o'zining yuridik javobgarlik choralari mavjud emas"ligini ta'kidlaydilar[8].

Ushbu bahs doirasida shuni ta'kidlash kerakki, har qanday javobgarlik turi (retrospektiv shaklda) huquqbuzarning shaxsiy, moliyaviy yoki tashkiliy xarakterdagi ma'lum bir mahrumiyatlarni boshdan kechirishini nazarda tutadi. Oilaviy huquq sohasi ham bundan mustasno emas.

N.F.Zvenigorodskaya ta'kidlaganidek, oilaviy-huquqiy javobgarlik – bu oilaviy huquq normalari sanksiyalari va (yoki) oilaviy-huquqiy shartnoma shartlari bilan nazarda tutilgan "ota-onaning oilaviy huquqbuzarlik sodir etgan taqdirda unga shaxsiy nomulkiy yoki mulkiy huquqdan mahrum qilish yoki uni cheklashga olib keluvchi ta'sir choralari"dir[9]. Xudi shu nuqtai nazarda N.S.Minko ham, oilaviy-huquqiy javobgarlik choralari – bu "oilaviy qonunchilik bilan belgilangan, huquqbuzarga davlat ta'sir choralari bo'lib, uning

sub'yektiv huquqidan mahrum qilish yoki qo'shimcha nomaqbul mulkiy oqibatlariga olib keladigan choralardir", deb ta'kidlaydi [10].

Oilaviy huquq fanida eng keng tarqalgan nuqtai nazarga ko'ra, oilaviy-huquqiy himoya choralari – bu oilaviy huquqiy huquqlar va qonuniy manfaatlarni himoya qilishga qaratilgan huquqiy ta'sir vositalari bo'lib, huquqbuzarliklarni to'xtatish va oldini olish, oilaviy huquqlarni amalga oshirishdagi to'siqlarni bartaraf etish orqali amalga oshiriladi hamda qonun bilan belgilangan tartibda va doiralarda, sub'yektiv asoslardan qat'iy nazar qo'llaniladi.

I.N.Glivinskayaning fikriga ko'ra, "oilaviy-huquqiy javobgarlik choralari sifatida quyidagilar tan olinishi mumkin: nikohni haqiqiy emas deb topish; ota-ona huquqlaridan mahrum qilish; ota-ona huquqlarini cheklash; farzandlikka olish, vasiylik yoki homiylikni bekor qilish; bolani oilavga tarbiyaga berish shartnomasini bekor qilish; bola bilan muloqot qilish huquqidan mahrum qilish; bolalar nomidan vakillik qilish vakolatidan mahrum qilish; bolani olib qo'yish; oilaviy huquqiy munosabatning boshqa sub'yekti tomonidan moddiy ta'minlash majburiyatini tugatish yoki cheklash"[14].

Biroq, bizning nazarimizda, keltirilgan barcha choralarni "*javobgarlik choralari*" deb aniq tasniflash mumkin emas. Ushbu choralar qatoriga shubhasiz, ota-ona huquqlaridan mahrum qilish va ushbu huquqni cheklash, shuningdek, farzandlikka olishni bekor qilish kiradi. Ye.V.Kosenkoning fikriga ko'ra, oilaviy-huquqiy javobgarlik choralari quyidagilardan iborat: ota-ona huquqlaridan mahrum qilish; ota-ona huquqlarini cheklash; bolani olib qo'yish; ota-onaga farzandlikka olishga rozilik berish huquqidan mahrum qilish; bolalar bilan muloqot qilish huquqidan mahrum qilish; bolalarni boshqa shaxslardan qaytarishni rad etish; ota-onani bolani himoya qilish va uning manfaatlari uchun vakillik qilish huquqlarini vaqtincha to'xtatib qo'yish; ota-ona huquqlarini tiklashni rad etish; bola haqida ma'lumot berishni rad etish; vasiylik (homiylk) majburiyatlarini bajarishdan ozod qilish; farzandlikka olishni bekor qilish; farzandlikka olishni haqiqiy emas deb topish; voyaga yetgan farzandlaridan moddiy ta'minot olish huquqidan mahrum qilish; nikohni haqiqiy emas deb topish; zararni qoplash; penya undirish; ma'naviy zararni qoplash[15].

Aliment munosabatlarining huquqiy tabiati aniqlash vazifasi ancha murakkab hisoblanadi. Ayrim mualliflar aliment undirishni javobgarlik chorasi

deb hisoblashadi. Boshqalar esa “huquqbuzarlik tarkibiga xos barcha belgilari mavjud bo‘lgan taqdirda ham aliment majburiyatlari oilaviy-huquqiy javobgarlik choralariga kirmasligini”[16], qayd etishadi. Ushbu fikrga qo‘shilish mumkin. Aliment to‘lash – bu himoya choralaridan biridir. Bolaning hayotiga xavf solinayotgan hollarda uni ota-onadan olib qo‘yish ham javobgarlik chorasi emas, balki oilaviy huquqdagi himoya chorasi sanaladi. Shuningdek, *“qabul qiluvchi oila shartnomasining muddatidan oldin bekor qilinishi ham qabul qiluvchi ota-onalar uchun salbiy oqibatlariga olib kelmasligi sababli oilaviy-huquqiy javobgarlik chorasi sifatida qaralishi mumkin emas”*[17].

Yuqoridagi fikr-mulohazalar ko‘plab mualliflarni oilaviy-huquqiy javobgarlik choralari faqat ota-ona huquqlaridan mahrum qilish yoki ularni cheklash bilan bog‘liq ekanligiga olib keladi[18]. Ammo oilaviy-huquqiy javobgarlik tartibida huquqbuzarlarga qanday sanksiyalar qo‘llanilishi mumkinligi masalasi oila huquqi fanida yagona yondashuvga ega emas.

S.O. Karibyan ikki turdagi oilaviy-huquqiy javobgarlikni ajratib ko‘rsatishni taklif qiladi — shartnomaviy (nikoh shartnomasi, qabul qiluvchi oila shartnomasi va h.k.) va shartnomadan tashqari[19]. Shu bilan birga, shartnomaviy javobgarlik fuqarolik-huquqiy tabiatga ega bo‘lib, turli huquq tarmoqlarida o‘z xususiyatiga ega bo‘lishi mumkin, ammo uning fuqarolik-huquqiy tabiati o‘zgarmaydi.

Ushbu choralarni batafsilroq ko‘rib chiqish o‘rinlidir:

1. Ota-ona huquqlarini cheklash – bu oilaviy-huquqiy javobgarlik chorasi bo‘lib, bolani ota-onasi (ulardan biri) bilan qoldirish ularning xatti-harakatlari tufayli bola uchun xavfli bo‘lgan hollarda qo‘llaniladi. Ammo ota-ona huquqlaridan mahrum qilish uchun yetarli asoslar mavjud bo‘lmasa, ushbu chora qo‘llaniladi. Agar ota-ona (ulardan biri) o‘z xatti-harakatlarini o‘zgartirmasa, vasiylik va homiylik organi sud tomonidan ota-ona huquqlarini cheklash haqida qaror chiqarilgandan keyin olti oy o‘tgach, ota-ona huquqlaridan mahrum qilish haqida da’vo ariza berishga majbur.

Ota-ona huquqlarini cheklash haqida da’vo bolaning yaqin qarindoshlari, qonun bo‘yicha voyaga yetmagan bolalarning huquqlarini himoya qilish majburiyati yuklatilgan organlar va tashkilotlar, maktabgacha ta’lim muassasalari, umumiy ta’lim tashkilotlari va boshqa tashkilotlar, shuningdek, prokuror tomonidan berilishi mumkin. Ota-ona huquqlarini cheklash ishlari

ko‘rilganda, sud bolaning ta‘minoti uchun ota-onadan (ulardan biri) aliment undirish masalasini hal qiladi[20]. Agar ota-ona huquqlarini cheklash o‘z majburiyatlarini ob‘yektiv, o‘zlariga bog‘liq bo‘lmagan sabablar (ruhiy kasallik, og‘ir vaziyatlar) tufayli bajara olmaydigan ota-onaga nisbatan qo‘llanilsa, bu chorani oilaviy-huquqiy javobgarlik chorasi emas, balki oilaviy-huquqiy himoya chorasi sifatida qarash mantiqan to‘g‘ri bo‘ladi. Shu bilan birga, “ota-ona huquqlarini cheklash va ayni huquqlardan mahrum qilish kabi mustaqil sanksiyalarni bir oilaviy huquqbuzarlik uchun qo‘llash imkoniyati amaldagi qonunchilikning yetarlicha takomillashmaganligini ko‘rsatadi”, degan fikrga qo‘shilish mumkin.

2. Ota-ona huquqlaridan mahrum qilish oilaviy-huquqiy javobgarlik chorasi sifatida ota-onalar tomonidan bolalarga nisbatan huquqbuzarlik sodir etilgan taqdirda qo‘llaniladi. U bolaga nisbatan qon-qarindoshlikka asoslangan shaxsiy mulkiy bo‘lmagan va mulkiy huquqlarning yo‘qotilishi bilan tavsiflanadi. Ushbu chora qo‘llanilganda huquqbuzarning huquq sub‘yektivligi uzoq muddatga cheklanadi, uning farzandlikka oluvchi, vasiy yoki homiy bo‘lishi mumkin bo‘lmaydi, ammo u ota-ona sifatida bolani boqish bo‘yicha majburiyatlarini saqlab qoladi.

Ota-ona (yoki ulardan biri) quyidagi holatlarda ota-ona huquqlaridan mahrum qilinishi mumkin: o‘z majburiyatlarini bajarmaslik (shu jumladan, alimentlarni to‘lashdan qasddan bosh tortish); o‘z farzandini tug‘ruqxonadan (bo‘limi) yoki boshqa tibbiyot muassasasidan, ta‘lim muassasasidan, ijtimoiy xizmat ko‘rsatish muassasasidan yoki boshqa shu kabi tashkilotlardan olib ketishdan bosh tortish; ota-ona huquqlaridan noto‘g‘ri foydalanish; bolalarga nisbatan shafqatsiz munosabatda bo‘lish; surunkali alkogolizm yoki giyohvandlikka chalinganlik va h.k. (OKning 79-modda). Qonun chiqaruvchi tomonidan ushbu chora favqulodda chora sifatida tavsiflanganiga qaramay, bu chora qo‘llaniladi [21].

3. Nikohni haqiqiy emas deb topish oilaviy-huquqiy javobgarlik chorasi sifatida nikohga kirish shartlari buzilgan hollarda (masalan, tomonlardan birining nikohga ixtiyoriy roziligi yo‘q bo‘lgan hollarda), nikoh yoshi talabi buzilganda, boshqa ro‘yxatga olingan nikoh mavjud bo‘lganda, qarindoshlik aloqalari bo‘lganda, shuningdek, tanosil kasalliklari yoki OITS infeksiyasi kabi holatlar yashirilgan taqdirda qo‘llanilishi mumkin. Asrab oluvchi va asrab

олиганлар о'rtасидаги, шунингдек, ақлий жиҳатдан ҳаққоний эмас шахслар о'rtасидаги никоҳлар тақиқланган.

Ushbu choraning javobgarlik chorasi deb tan olinishi shundaki, “aybdor tomon uchun nikohgacha bo‘lgan holatga qaytish o‘z-o‘zidan shaxsiy noxush oqibatlarining yuz berishini, u istagan huquqlardan mahrum bo‘lishini anglatadi”[22]. Haqiqiy bo‘lmagan nikoh tuzish – huquqbuzarlik hisoblanadi. Oila tuzish maqsadiga ega bo‘lmagan holda tuzilgan soxta nikoh haqiqiy emas deb topilishi mumkin. Agar nikoh soxta deb topilsa, bunday nikoh tuzilgan paytdan boshlab aybdor er-xotin uchun huquqiy ahamiyatga ega bo‘lgan oqibatlar bekor qilinishi lozim, xususan, tegishli davlatda yashash uchun ruxsatnoma olish kabi[23]. Shu bilan birga, soxta ajrimlar muammosi (masalan, xorijdagi mol-mulkni deklaratsiya qilmaslik yoki bolalar nafaqasini olish maqsadida) hali o‘z tadqiqotchisini kutib turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Рыженков А.Я. О доктринальных принципах семейного права (на примере принципа ответственности за нарушение норм семейного законодательства) // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия: Экономика. Управление. Право. 2021.Т. 21, вып. 2. – С. 169-177.
2. Турусова О. С. Правовая сущность и отличительные признаки семейно-правовой ответственности // Юридическая наука. 2011. – № 1. – С. 34-37.
3. Чичерова Л. Е. Ответственность в семейном праве: вопросы теории и практики: автореф. Дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар: 2004. – 10 с.
4. Сунцова Е.А. Нетрадиционные виды юридической ответственности: автореф. Дис. ... канд. юрид. наук, – М.: 2005. 10.
5. Липинский Д. А. О системе права и видах юридической ответственности // Правоведение. 2003. – № 2. – С. 27-37.
6. Кислухин В. А. Виды юридической ответственности: автореф. Дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2002. – 23 с.
7. Савельев Ю. М. Взаимосвязь ответственности в семейном праве с иными видами юридической ответственности // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Юридические

науки. 2017. № 2 (29). – С. 60-61.

8. Звенигородская Н. Ф. Место ответственности родителей по семейному законодательству в системе юридической ответственности // Вопросы ювенальной юстиции. 2010. – № 5. – С. 14-15.

9. Минько Н. С. Особенности семейно-правовой ответственности // Актуальные проблемы гражданского права. 2017. – № 2. – С.141.

10. Левушкин А. Н., Серебрякова А. А. Семейное право: учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – 280 с.

11. Муругина В. В. Общетеоретический анализ правовых средств реагирования на дефектность юридических фактов // Право. Законодательство. Личность. 2010. – № 1 (8). – С. 7-8.

12. Ксенофонтова Д. С. Правовые гарантии в сфере алиментирования: Дис. ... канд. юрид. наук. – Казань: 2015. – 177.

13. Гливинская И.Н. Сущность ответственности по семейному праву // Семейное и жилищное право. 2008. – № 3. – С. 5-7.

14. Косенко Е.В. Принцип ответственности субъектов и участников семейных правоотношений // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2017. – № 1. – С. 108.

15. Косово О.Ю. Семейный кодекс РФ об алиментах // Закон. 2015. – № 10. С. 39-40.

16. Рязанов Е. Е. Проблемы юридической ответственности в частном праве: автореф. Дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2005. – 20 с.

17. Данилова И.С. Институт приемной семьи в системе форм устройства детей, оставшихся без попечения родителей в Российской Федерации: Дис ... канд. юрид. Наук. – М.: 2015. – 153 с; Бабажанова Д.И. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари оилавий-ҳуқуқий тартибга солиниши: юрид. фан. фал. док. (PhD). Дис. ... – Тошкент: 2020. – 115 б.

18. Шахаева А.М. К вопросу о мерах семейно-правовой ответственности родителей по семейному законодательству РФ // Известия вузов. Северо-Кавказский регион. Общественные науки. 2014. – № 2. – С. 78.

19. Карибян С.О. Семейно-правовая ответственность: сущность и правоприменение по законодательству Российской Федерации: автореф. Дис. ... канд. наук. – М.: 2017. – 18 с.

20. Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судида кўришнинг процессуал хусусиятлари: юрид. фан. док... Дис. – Тошкент: ТДЮУ, 2010. – 245 б.

21. Имомова Н.М. Лишение родительских прав как мера ответственности в семейном праве Республики Таджикистан: Дис. ... канд. юрид. наук. – Душанбе, 2015. – 149 с.

22. Сидорова С.А. Вопросы применения мер гражданско-правовой и семейно-правовой ответственности в семейном праве: автореф. дис. ... канд. наук. – Волгоград, 2007. – 17 с.

23. Турусова О.С. Семейно-правовая ответственность в Российской Федерации и зарубежных государствах: автореф. Дис. ... канд. наук. – М.: 2011. – 26 с.

REZYUME

Oilaviy-huquqiy javobgarlik – bu oilaviy huquq normalarini buzganlik uchun qonunda belgilangan sanksiyalarni qo‘llash orqali yuzaga keladigan huquqiy oqibatlardir. Bu javobgarlik turi o‘zining maxsus xususiyatlari bilan ajralib turadi va oila a‘zolarining huquq va majburiyatlarini ta‘minlashga, oilaviy munosabatlarda qonuniylikni o‘rnatishga xizmat qiladi. Oilaviy-huquqiy javobgarlikning asosiy maqsadi buzilgan huquqlarni tiklash, huquqbuzarliklarning oldini olish va oila a‘zolarining qonuniy manfaatlarini himoya qilishdan iborat.

Maqolada oilaviy-huquqiy javobgarlikning turlari o‘rganildi. Qiyosiy-huquqiy, mantiqiy, tarixiy va statistik usullardan foydalanish, uning nazariy qismini, amaliy tasnifdagi vazifalarni hal etish bilan bog‘lash imkoniyatini berdi. Bu esa huquqiy sohadagi, hususan amaldagi qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha takliflarni ishlab chiqish uchun zarur. Ushbu maqsadda oila huquqida oilaviy-huquqiy javobgarlikning asosiy jihatlari o‘rganildi, unga oid milliy qonunchilikdagi uzulishlar tadqiq etildi, huquqiy tartibga solishning milliy va xorij tajribasi qiyoslandi.

Семейно-правовая ответственность – это правовые последствия, возникающие в результате применения установленных законом санкций за

нарушение норм семейного права. Данный вид ответственности отличается своей спецификой и служит обеспечению прав и обязанностей членов семьи, установлению законности в семейных отношениях. Основной целью семейно-правовой ответственности является восстановление нарушенных прав, предотвращение правонарушений и защита законных интересов членов семьи.

В статье исследуются виды семейно-правовой ответственности. Использование сравнительно-правового, логического, исторического и статистического методов позволило связать её теоретическую часть с решением задач практической классификации. Это необходимо для разработки предложений по совершенствованию правовой сферы, в частности, действующего законодательства. Для этого были изучены основные аспекты семейно-правовой ответственности в семейном праве, исследованы связанные с ней пробелы в национальном законодательстве, проведено сравнение отечественного и зарубежного опыта правового регулирования.

Family legal liability is the legal consequences arising from the application of sanctions established by law for violation of family law norms. This type of liability is distinguished by its specific characteristics and serves to ensure the rights and obligations of family members and establish legality in family relations. The main goal of family legal liability is to restore violated rights, prevent violations, and protect the legitimate interests of family members. Family legal liability has its own characteristics, which distinguish it from other types of legal liability. Firstly, it arises only within the framework of family legal relations. Secondly, family-legal liability measures are often of a personal nature and can be applied in conjunction with property sanctions. Thirdly, this type of liability arises as a result of the guilty actions of the offender and is applied in the manner prescribed by law.

Furqat XIDIROV,
Malaka oshirish instituti maxsus-kasbiy fanlar kafedrası dotsenti,
podpolkovnik

MAHALLA HUQUQ-TARTIBOT MASKANINING HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTİKASIDAGI O‘RNI VA ROLI

Zamonaviy jamiyatda huquqbuzarliklarning oldini olish masalasi har bir davlat uchun ustuvor yo‘nalishlardan biridir. Aholining huquqiy xatti-harakatlarini nazorat qilish, jinoyat va boshqa huquqbuzarliklarni barvaqt aniqlash, ularning ildiziga qarshi kurashish samaradorligi aynan profilaktik faoliyatning sifati va izchilligiga bog‘liq. Shu nuqtai nazardan, mahalla darajasida tashkil etilgan maxsus huquq-tartibot tuzilmalari – mahalla huquq-tartibot maskanlari jamoat xavfsizligini ta‘minlashda muhim institutsional vosita bo‘lib xizmat qilmoqda. 2025-yildan boshlab yangi huquqiy asoslar bilan faoliyati boshlangan ushbu maskanlar aholi zich yashaydigan joylarda bir vaqtning o‘zida bir nechta ichki ishlar organlari xizmatlarining faoliyatini uyg‘unlashtirish imkonini yaratmoqda. Maskanlar tarkibida profilaktika inspektori, yo‘l-patrul va patrul-post xizmati xodimlari, probatsiya xizmati va boshqa ijtimoiy xavfsizlik subyektlari jamlangan bo‘lib, ular o‘zaro hamkorlikda jinoyatga qarshi kurashish chora-tadbirlarini amalga oshirishda qatnashmoqda¹.

Shunga qaramay huquqbuzarliklar profilaktikasida maskanlarning roli hali to‘liq ochilgan va tizimlashtirilgan emas. Ko‘plab hududlarda xizmatlararo vakolatlar chalkashuvi, resurs tanqisligi, mahalla fuqarolari bilan ish olib borishdagi koordinatsiya zaifligi kabi muammolar kuzatilmoqda².

Mahallalar huquq-tartibot maskanlari jamiyatda huquqbuzarliklarning oldini olish, jinoyatchilikka qarshi barvaqt chora ko‘rish, ijtimoiy xavfsizlikni ta‘minlash va fuqarolarning huquqiy himoyasini kuchaytirishga qaratilgan tizimli faoliyat yurituvchi hududiy tuzilmadir. Ushbu maskanlar tarkibida xizmat qiluvchi turli yo‘nalishdagi ichki ishlar organlari xodimlarining asosiy vazifalari

¹ O‘zbekiston Respublikasining 2016-yil 16-sentyabrda “Ichki ishlar organlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-407-son Qonuni. Халқ сўзи. 2016 йил 17 сентябрь.

² Farrux G‘aniyev, Gulandon Ganiyeva, and Nozima Boymuradova. “Biriktirilgan xududda kriminogen vaziyatni tahlil qilishning asosiy yo‘nalishlari” Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, vol. 1, no. 16, 2024, pp. 112-114.

bevosita huquqbuzarliklarning profilaktikasi bilan bog'liq bo'lib, ular bir-birini to'ldiruvchi mexanizmlar orqali amalga oshiriladi³.

Amaldagi "Ichki ishlar organlari to'g'risida"gi Qonunning 2-16-moddalarida ta'kidlanganidek, ichki ishlar organlari fuqarolarning huquq va erkinliklarini himoya qilish, jamoat tartibini saqlash, huquqbuzarliklarning oldini olish va ularni aniqlashga mas'ul hisoblanadi⁴. Mazkur normativ asoslar maskanlar faoliyatida ham amaliy ifodasini topgan. Xususan, profilaktika inspektori joylardagi oilaviy nizolarni aniqlash, muammoli fuqarolar ustidan nazorat o'rnatish va jamoatchilik bilan hamkorlikni yo'lga qo'yish orqali har kunlik huquqiy monitoringni amalga oshiradi⁵. Shuningdek, maskanlar tarkibidagi YPX va PPX xodimlari yo'l harakati xavfsizligi, jamoat joylarida tartib saqlanishi, jinoyat sodir etilishi mumkin bo'lgan hududlarda doimiy patrullik qilish kabi vazifalarni bajaradi. Probatsiya xizmati esa jazoni ijro etishdan keyin nazoratdagi shaxslar bilan ishlash orqali ikkilamchi jinoyatchilikning oldini olishga xizmat qiladi⁶.

Maskanlarda xizmat olib boruvchi xodimlarning umumiy profilaktik vazifalari quyidagilardan iborat:

- *huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olishga qaratilgan muntazam monitoring olib borish;*
- *aholining muammoli qatlamlari bilan tizimli ish olib borish;*
- *jinoyatga moyil shaxslar va oilalarni aniqlab, ular ustidan hisob yuritish;*
- *huquqiy targ'ibot va mahalla yig'inlari bilan hamkorlikda tushuntirish tadbirlarini tashkil etish;*

³ O'zbekiston Respublikasi IIVning 2025-yil 15-fevraldagi "Mahalla huquq-tartibot maskanlari faoliyati samaradorligini yanada oshirish to'g'risida"gi 84-sonli buyrug'i.

⁴ O'zbekiston Respublikasining 2016-yil 16-sentyabrda "Ichki ishlar organlari to'g'risida"gi O'RQ-407-son Qonuni. Xalq so'zi. 2016-yil 17-sentyabr.

⁵ Norboyeva Elnura Farxod Qizi, and G'aniyev Farrux Taxirjanovich. "Mahalla huquq-tartibot maskanida boshqa davlat organlari xodimlari bilan huquqbuzarliklar profilaktikasini muvofiqlashtirish faoliyati ahamiyati va o'ziga xos xususiyatlari" Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, vol. 2, no. 1, 2025, pp. 109-113.

⁶ Ibragimov, Sherzod Shokirovich. "Ichki ishlar organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash faoliyatini takomillashtirishning ayrim jihatlari" Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 2, no. 3, 2022, pp. 570-578.

- *xavfli holatlarni aniqlashda tezkor xabardorlik tizimini yo'lga qo'yish nazarda tutiladi*⁷.

Shu tariqa, maskanlar ichki ishlar tizimining eng quyi, lekin bevosita fuqarolar bilan ishlovchi bo'g'ini sifatida xizmat qiladi. Ularning huquqbuzarliklar profilaktikasidagi vazifalari aniq belgilangan bo'lishi va xizmatlar faoliyati muvofiqlashtirilgan holda amalga oshirilishi zarur. Aks holda, xizmatlararo to'qnashuvlar, mas'uliyatdan qochish va natijadorlik pastligi yuzaga kelishi mumkin.

Mahallalar huquq-tartibot maskanlarining huquqbuzarliklar profilaktikasidagi o'rnini baholashda "tizimli yondashuv" tamoyili markaziy o'rinda turadi. Tizimli yondashuv – bu har bir xizmatni alohida emas, balki yagona maqsad sari yo'naltirilgan kompleks tizimning tarkibiy elementi sifatida ko'rib chiqish metodologiyasidir. Bunday yondashuv orqali xizmatlararo integratsiyani kuchaytirish, resurslardan oqilona foydalanish va umumiy xavfsizlik samaradorligini oshirish imkoniyati yuzaga keladi⁸.

Nazariy jihatdan qaralganda, tizimli yondashuv umumiy boshqaruv nazariyasiga, ijtimoiy tizimlar modellariga va huquqbuzarliklar sotsiologiyasiga tayangan holda, huquqni muhofaza qilish faoliyatida bir-birini to'ldiruvchi va nazorat qiluvchi mexanizmlarni shakllantirishga xizmat qiladi. Aynan shunday tamoyil asosida, maskanlarni "kompleks chora-tadbirlar markazi" sifatida shakllantirish zarurati yuzaga keladi⁹.

Tizimli yondashuv doirasida har bir xizmatning funksiyasi quyidagilar:

- *ma'lum bir kriminogen xavf darajasiga qarab o'z vazifalarini aniqlash;*
- *boshqa xizmatlar bilan uzviy aloqada harakat qilish;*
- *real vaqt rejimida axborot almashish;*

⁷ Norboyeva Elnura Farxod Qizi, and G'Aniyev Farrux Taxirjanovich. "Mahalla huquq-tartibot maskanida boshqa davlat organlari xodimlari bilan huquqbuzarliklar profilaktikasini muvofiqlashtirish faoliyati ahamiyati va o'ziga xos xususiyatlari" Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, vol. 2, no. 1, 2025, pp. 109-113.

⁸ Ibragimov, Sherzod Shokirovich. "Ichki ishlar organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash faoliyatini takomillashtirishning ayrim jihatlari" Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 2, no. 3, 2022, pp. 570-578.

⁹ Xudoyqulov Dostonjon Dilshod o'g'li, and G'aniyev Farrux Taxirjanovich. "Profilaktika inspektorining fuqarolik jamiyati insitutlari bilan o'zaro hamkorligi" Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, vol. 2, no. 1, 2025, pp. 60-63.

– fuqarolar va jamoatchilik bilan integratsiyalashgan tarzda ishlash belgilanadi¹⁰.

Bu yondashuvning asosiy g'oyasi – profilaktika faoliyatini bir martalik shaklda emas, balki doimiy, barqaror va tahliliy asoslangan tizimda tashkil etishdir. Misol uchun, maskanlar doirasida jinoyatchilikka oid axborotlar muntazam ravishda to'planib, xatar darajasi bo'yicha tahlil qilinib, rejalashtirishga asos bo'ladi. Shuningdek, xavfli oilalar, muammoli yoshlar va nazoratdagi shaxslar ustidan hisob yuritish, doimiy monitoring qilish tizimlari ishlab chiqilishi kerak.

Shuningdek, tizimli yondashuvda xizmatlar o'rtasidagi o'zaro mas'uliyat va axborot almashinuvi mexanizmlarining aniq belgilanishi ham muhim omil hisoblanadi. Bu borada O'zbekiston Respublikasi IIVning 2025-yil 15-fevraldagi *“Mahalla huquq-tartibot maskanlari faoliyati samaradorligini yanada oshirish to'g'risida”*gi 84-sonli buyrug'i bilan xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish bo'yicha aniq ko'rsatmalar berilgan bo'lib, u maskanlarda *“birlashtirilgan yondashuv”* prinsipining joriy etilishini nazarda tutadi¹¹. Demak, tizimli yondashuv – bu faqat tashkiliy tamoyil emas, balki maskanlar samaradorligini oshirishga qaratilgan umumiy konsepsiyaning negizidir. Ushbu konseptual yondashuv orqali maskanlar oddiy xizmat joyidan *“ijtimoiy xavfsizlik markazi”* darajasiga ko'tarilishi mumkin¹².

Mahalla huquq-tartibot maskanlari tomonidan amalga oshirilayotgan ishlar huquqbuzarliklarning oldini olishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ayni paytda turli hududlarda to'plangan tajribalar shuni ko'rsatadiki, maskanlarda xizmat qilayotgan xodimlar tomonidan turli shakldagi profilaktik ishlar yo'lga qo'yilgan va ayrim hollarda ijobiy natijalar ham kuzatilmoqda.

Avvalo, profilaktika ishlari avvalo ijtimoiy xavfli shaxslarni aniqlash va ular bilan tizimli ravishda ishlashdan boshlanadi. Bu degani – ilgari jinoyat sodir etgan yoki muammoli xatti-harakatlarga moyil bo'lgan shaxslar maxsus ro'yxatga olinadi va ularning xatti-harakatlari doimiy nazoratda bo'ladi. Shu

¹⁰ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 3-yanvarda qabul qilingan *“2025-yilda Respublika mahallalarida xavfsiz muhitni yaratish va huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish tizimi samaradorligini yanada oshirish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida”*gi PQ–1-sonli qarori. Xalq so'zi. 2025-yil 4-yanvar.

¹¹ O'zbekiston Respublikasi IIVning 2025-yil 15-fevraldagi *“Mahalla huquq-tartibot maskanlari faoliyati samaradorligini yanada oshirish to'g'risida”*gi 84-sonli buyrug'i.

¹² Xudoyqulov Dostonjon Dilshod o'g'Li, and G'aniyev Farrux Taxirjanovich. "Profilaktika inspektorining fuqarolik jamiyati institutlari bilan o'zaro hamkorligi" Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, vol. 2, no. 1, 2025, pp. 60-63.

bilan birga, bu shaxslar bilan suhbat o'tkazish, ularni mehnatga jalb qilish yoki zarur bo'lsa, mahallaning faollari ishtirokida jamoatchilik nazorati ostida saqlash tadbirlari o'tkaziladi¹³.

Ikkinchidan, yoshlar bilan ishlash ham profilaktik faoliyatning muhim yo'nalishlaridan biridir. Ayniqsa, maktab va kollej o'quvchilari, ishsiz yoshlar orasida jinoyatchilik xavfi yuqori bo'lganligi sababli, ular bilan maxsus suhbatlar, sport musobaqalari, huquqiy targ'ibot tadbirlari tashkil etilmoqda.

Uchinchidan, mahalla faollari, xotin-qizlar qo'mitasi, oqsoqollar bilan hamkorlikda olib borilayotgan ishlar ham o'z samarasini bermiqda. Masalan, janjalli oilalarda nizolarning oldini olish, ichkilikbozlikka berilganlarni davolashga yuborish, bexavotir muhit yaratish bo'yicha hamkorlikda ko'plab chora-tadbirlar ko'rilmoqda¹⁴.

To'rtinchidan, aksariyat hududlarda texnologiyalardan foydalanish holatlari ham mavjud. Masalan, xavfsizlik kameralari, aholi xabardorligi uchun telegram guruhlar yoki tezkor aloqa tizimlari orqali fuqarolarning ogohlantirilishi amaliyotga tatbiq etilmoqda¹⁵. Bu orqali huquqbuzarliklar sodir bo'lishi mumkin bo'lgan joylar oldindan aniqlanib, tezkor choralar ko'rilmoqda.

Beshinchidan, probatsiya xizmatlari ham jinoyat sodir etib, jazoning yengil shaklida jazoni o'tayotgan shaxslar bilan ishlamoqda. Ularning ishga joylashuvi, oilasi bilan munosabatlari va jamiyatga qayta moslashuvi nazorat qilinmoqda¹⁶.

¹³ Norboyeva Elnura Farxod Qizi, and G'aniyev Farrux Taxirjanovich. "Mahalla huquq-tartibot maskanida boshqa davlat organlari xodimlari bilan huquqbuzarliklar profilaktikasini muvofiqlashtirish faoliyati ahamiyati va o'ziga xos xususiyatlari" Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, vol. 2, no. 1, 2025, pp. 109-113.

¹⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 3-yanvarda qabul qilingan "2025-yilda respublika mahallalarida xavfsiz muhitni yaratish va huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish tizimi samaradorligini yanada oshirish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-1-sonli qarori. Xalq so'zi. 2025-yil 4-yanvar.

¹⁵ Ibragimov, Sherzod Shokirovich. "Ichki ishlar organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash faoliyatini takomillashtirishning ayrim jihatlari" Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 2, no. 3, 2022, pp. 570-578.

¹⁶ Farrux G'aniyev, Gulardon Ganiyeva, and Nozima Boymuradova. "Biriktirilgan xududda kriminogen vaziyatni tahlil qilishning asosiy yo'nalishlari" Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, vol. 1, no. 16, 2024, pp. 112-114.

Amaliyot shuni ko'rsatadiki, bu kabi chora-tadbirlar tizimli va rejalashtirilgan shaklda olib borilsa, u ijobiy natija beradi. Masalan, ayrim hududlarda jinoyatchilik darajasining pasaygani, fuqarolarning ichki ishlar tizimiga nisbatan ishonchi ortgani kuzatilmoqda. Biroq barcha hududlarda ham bu ishlar bir xil yo'lga qo'yilmagan. Ba'zi maskanlarda xizmatlararo muvofiqlik sust, axborot almashinuvi yetarli darajada emas, fuqarolar bilan hamkorlik zaif bo'lib qolmoqda.

Mahallalar huquq-tartibot maskanlari tomonidan amalga oshirilayotgan profilaktik faoliyatda ijobiy tomonlar bilan birga, tizimli yondashuvni to'liq amalga oshirishda qator muammolar va cheklovlar mavjud. Bu muammolar tizimda xizmatlararo hamkorlikning kuchsizligi, tashkiliy mexanizmlarning yetarli darajada yo'lga qo'yilmaganligi va moddiy-axborot ta'minotidagi kamchiliklar bilan bog'liq.

Birinchidan, xizmatlararo hamkorlikning huquqiy asoslari aniq belgilanmagan. Maskanlarda bir nechta xizmat vakillari faoliyat yuritadi, biroq ularning vakolatlari, mas'uliyatlari va o'zaro aloqasi bo'yicha aniq tartib mavjud emas. Natijada, ayrim hollarda faoliyatlar bir-birini takrorlashi yoki aksincha, muayyan faoliyat umuman amalga oshirilmay qolishi mumkin.

Ikkinchidan, xodimlar o'rtasida kasbiy, psixologik va tashkiliy jihatdan yagona yondashuv shakllanmagan. Har bir xizmat o'z ichki me'zonlari asosida faoliyat yuritishga odatlangan bo'lib, bu holat umumiy jamoaviy ishlash madaniyatiga to'sqinlik qilmoqda. Maskanlar uchun yagona liderlik va koordinatsiya tizimi yo'qligi natijasida xizmatlararo integratsiya zaiflashmoqda¹⁷.

Uchinchidan, mahalla faollari, xotin-qizlar qo'mitasi, yoshlar yetakchilari kabi fuqarolik jamiyati institutlari bilan hamkorlik yetarli darajada emas. Jamoatchilik ishtiroki past bo'lsa, aholining maskanlarga bo'lgan ishonchi ham kamayadi, bu esa profilaktik ishlarning samaradorligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, mahalla huquq-tartibot maskanlari zamonaviy jamiyatda jinoyatchilikka qarshi kurash va huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirishda muhim o'rin egallaydi. Ularning faoliyatini tizimli yondashuv asosida tashkil etish, xizmatlararo hamkorlikni mustahkamlash, axborot

¹⁷ Farrux G'aniyev, Gulandon Ganiyeva, and Nozima Boymuradova. "Biriktirilgan xududda kriminogen vaziyatni tahlil qilishning asosiy yo'nalishlari" Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, vol. 1, no. 16, 2024, pp. 112-114.

almashinuvini tezlashtirish va jamoatchilik ishtirokini kengaytirish orqali profilaktik ishlarning samaradorligini oshirish mumkin. Maqolada tahlil qilingan mavjud muammolarni bartaraf etish bo'yicha amaliy takliflar maskanlar faoliyatining institutsional kuchayishiga xizmat qiladi va huquqiy tartibni ta'minlashda strategik ahamiyat kasb etadi.

REZYUME

Ushbu maqolada mahallalar huquq-tartibot maskanlarining huquqbuzarliklar profilaktikasidagi o'rni va roli tizimli yondashuv asosida tahlil qilingan. Maskanlar faoliyatining umumiy vazifalari, xizmatlararo integratsiyaning nazariy asoslari, profilaktik chora-tadbirlar shakllari va ularning amaliy samaradorligi o'rganilgan. Shuningdek, tizimli yondashuvdagi mavjud muammolar, cheklovlar va ularni bartaraf etish bo'yicha takliflar ilgari surilgan.

В данной статье проанализирована роль и места махаллинских пунктов правопорядка в профилактике правонарушений на основе системного подхода. Изучены общие задачи деятельности пунктов, теоретические основы межведомственной интеграции, формы профилактических мероприятий и их практическая эффективность. Кроме того, выявлены существующие проблемы и ограничения системного подхода, а также предложены пути их устранения.

This article analyzes the role of mahalla law enforcement centers in the prevention of offenses based on a systematic approach. It examines the general tasks of the centers, the theoretical foundations of interagency integration, the forms of preventive measures, and their practical effectiveness. Furthermore, the article identifies existing problems and limitations of the systematic approach and proposes solutions for their elimination.

Бахтияр МУСУРМАНОВ,
Малака ошириш институти кафедра катта ўқитувчиси

**ИИВ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИНИНГ АЙРИМ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА**

Ички ишлар вазирлиги тизими муассасаларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги у ёки бу жиҳатлари билан боғлиқ масалаларнинг умумий мазмун-моҳияти[1], шу жумладан, шартнома талабларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи ягона йўналиш сифатида тадқиқ этилмаган. Бозор муносабатларини тартибга солишда бу соҳага доир шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашда фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик асосий восита ҳисобланади[2]. Ушбу муассасалар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўзига хос мулкдор ташкилот (*юримдик шахс*) сифатида қатнашади. Аммо, ҳар қандай давлат органи юримдик шахс бўла олмайди. Чунки, бирон-бир давлат органини юримдик шахс деб эътироф этиш учун у Фуқаролик кодексининг 39-моддасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Н.А.Қулдашев таъкидланганидек, ички ишлар органлари кўп тармоқли ташкилотдир, гарчи ушбу тизимдаги барча тузилмалар давлат органлари ҳисобланса-да, уларнинг ҳаммаси юримдик шахс мақомига эга эмас. Масалан, туман ички ишлар бўлими давлат органи, лекин уни юримдик шахс деб бўлмайди. Чунки туман ички ишлар бўлимларида юримдик шахсга хос белгилар мавжуд эмас.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида давлат органларига давлатнинг ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи ташкилот сифатида қаралади. Аммо фуқаролик ҳуқуқида муайян (ташкилий бирлик, мулккий мустақиллик, мустақил мулккий жавобгарлик, ўз номидан ҳаракат қилиш) белгиларга эга бўлган ташкилотларгина юримдик шахс сифатида тан олинади ва улар фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъектлари ҳисобланади[3]. Шунга кўра, давлат органлари ўз фаолиятларини кўпроқ маъмурий тартибда амалга оширадилар.

Зеро, маъмурий бўйсиниш тамойилига асосланувчи ҳуқуқий муносабатлар давлат органларига хосдир. Аммо, давлат органлари, шу

ИНСЦЕНИРОВКА ҚИЛИШ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ФОШ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ УСУЛЛАРИ ТАВСИФИ

Дунёда рўй бераётган интеграция жараёнлари жиноятчиликка қарши курашиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини янада кучайтириш лозимлигидан далолат беради. 2023-2024 йилларда дунё миқёсида 19 миллиондан ортиқ мол-мулкка ва 602 мингдан ортиқ одам ўлдириш ҳамда 4 миллиондан ортиқ босқинчилик, одам савдоси 14%ига камайган, 5 миллион номусга тегиш жиноятлари қайд этилган¹. Ушбу ҳолатларнинг аксариятида жиноят изларини йўқ қилишга, уларни воқеа жойида ўзгартиришга қаратилган турли хил инсценировка усуллари қўлланилган, натижада бундай инсценировкалар ёрдамида содир этилган айрим жиноятлар очилмасдан қолиб кетмоқда. Жиноий инсценировка туфайли дунёдаги оғир ва ўта оғир жиноятларни яшириш кўрсаткичи юқори бўлиб, ушбу ишларни тергов қилиш ва аниқлашнинг махсус методикаси мавжуд эмас. Жиноятчиликка қарши самарали курашиш учун оғир ва ўта оғир жиноятларни тез ва тўла очиш орқали айбдорларни фош этиш катта аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан, содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош қилиш ва терговнинг сифатли ўтказилиши дастлабки тергов самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу фаолият соҳаси суд-ҳуқуқ тизими устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини яхшилашда долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда, республикамизда жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида жиноят-процессуал қонунчиликни

¹ <https://dataunodc.un.org/content/data/homicide/homicide-rate>

такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази маълумотларига кўра, ҳар йили мамлакатда рўйхатга олинган жиноятларнинг 10 фоизга яқини фош этилмай қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, инсценировка усули билан содир этилган жиноят ишларини аниқлаш ва тергов қилиш методикасини такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик нормалари ҳамда жиноятни инсценировка қилишнинг криминалистик жиҳатларини таҳлил қилиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиноий инсценировка бўйича тусмолларни илгари суриш, уларни текшириш ва аниқлашда сунъий далилларни яратиш билан боғлиқ ёлғон хабар бериш ҳолатларини фош қилиш усулларини янада такомиллаштириш долзарб масаллардан бири бўлиб келмоқда.

Барча криминалистик вазиятларнинг хилма-хиллиги учун жиноий инсценировка ва у билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш ва тергов қилиш барча ҳолатлар (ёндашувлар, принциплар, технологик схемалар ва бошқалар) учун бир хил бўлган умумий қоидаларни ҳисобга олиш ҳамда қўллаш асосида амалга оширилади. Уларнинг асосийларидан бири, терговчининг вазифаси ҳар бир ҳолатда унинг муайян ишни билиш жараёни билан боғлиқ мақсадлар ва воситалар муаммосини ижодий изоҳлашдир. Ушбу тамойил исботланиши керак бўлган шароитларни, шунингдек уларни ташкил этиш воситаларини, усулларини, технологияларини аниқлаш учун амалга оширилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда инсценировка кўринишлари билан яширин жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар ўрганилаётган ҳодисага доир билимларни тўплаш ва тизимлаштириш ўта муҳим босқичдадир.

Шунга қарамай, айрим турдаги жиноятлар учун терговнинг тўпланган ички ва хорижий (хусусан, русларнинг) тажрибаси ҳисобга олинса, маълумотларнинг ҳажми бизга инсценировка ҳамда тергов қилишнинг типик дастурларини, схемаларини, усулларини аниқлаш имконини беради. Бундай ҳолатда, инсценировка содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида маълумотга эга бўлган ҳолат жиноий инсценировка белгиси ҳисобланади. Жиноятдан олдин, жиноят давомида ва жиноятдан кейинги турли хил ҳолатлар инсценировка кўринишининг белгиси сифатида хизмат қилиши мумкин. Улар ҳақиқатда рўй берган ҳодиса билан, инсценировкада нима

содир бўлганлиги ва қандай қилиб тегишли воситалар билан акс эттирилганлиги ўртасидаги қарама-қаршиликка асосланади.

Инсценировкани муваффақиятли аниқлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган терговчининг маълум тоифадаги ҳолатлар учун одатий билимлари мавжуд бўлиб (биринчи этап сифатида белгиланиши мумкин), улар ҳар бирининг криминалистик хусусиятлари ҳисобга олинади.

Кейинги қадам (иккинчи этап) қоида тариқасида, тадқиқот ва қидирувга йўналиши бўйича қурилган тусмолни чуқур, тезкор, аммо сифатли текширишни таъминлашдир. Шу мақсадда жиноий тергов субъекти томонидан тузилган режага мувофиқ қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- ишда мавжуд бўлган вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- воқеа моделлари, унинг белгилари воқеа жойида “сиртида ётиши” тасвирланган, ҳамма нарса шу тарзда содир бўлган деб ўйлашга олиб келади, аксинча эмас.
- қурилган моделларнинг хусусиятларини ўрганиш ва таққослаш, улардан натижаларни олиб ташлаш ва уларни текшириш;
- баъзи оқибатларнинг ҳақиқати ва бошқаларнинг ҳақиқий эмаслигини аниқлаш;
- текширувдан чиқарилган моделлар ва аниқланган изларнинг қиёсий таҳлилини таъминлаш;
- аслида содир бўлган воқеа учун моделнинг етарлилиги ҳақида хулоса чиқариш;
- танланган моделнинг ҳақиқатини объектив равишда тасдиқловчи ва хато эҳтимолини истисно қиладиган қўшимча маълумотларни олиш бўйича чоралар кўриш;
- инсценировка ҳодисасидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган ҳодисани аниқлаш жараёнини якунлаш тўғрисида қарор қабул қилиш назарда тутилади².

Тергов усулларини ўрганиш давомида шуни таъкидлаймизки, “Дастурий мақсадли усул” терговни ташкил этишга ва жиноят иши бўйича

² А.Хакбердиев Жиноий инсценировкаларни таснифлашнинг назарий асослари, уларни аниқлаш ва тергов қилиш методикаси // ю.ф.ф.д. дис. Т. 2021. Б. 87.

янги билимларни олдиндан ишлаб чиқилган намунавий криминалистика дастурлари ёрдамида олишга асосланган³.

Тергов дастури – ушбу тоифадаги жиноий ишларни тергов қилиш учун энг характерли бўлган тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги тўғрисидаги маълумотлар тизими.

Тергов дастури – бу ушбу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш учун тергов ҳаракатлари кетма-кетлиги тўғрисидаги маълумотлар тизимидир. Олим А.Хакбердиевнинг фикрига кўра, тергов дастурида қуйидагилар бўлиши лозим. **Хусусан:**

1) дастур ҳақидаги саволни тушуниб олиш, уни жиноий иш билан боғлиқ ҳолда аниқлаш;

2) ушбу масала бўйича ишда маълумот борми деганда ҳа ёки йўқ деган жавобга тўхталиш;

3) ишончли хулоса қилиш учун етарли маълумот борми деганда ҳа ёки йўқ деган тўхтамга келиш;

4) хулосани шакллантириш;

5) билимни чуқурлаштиришга ҳаракат қилиш, б) тергов ташкил қилиш ва қарорлар қабул қилиш учун билимлардан фойдаланиш, в) дастурда кейинги саволга ўтиш⁴.

Бундай ҳолда, намунавий (стандарт) дастур тергов режасининг ўзи эмас, балки уни тузиш воситасидир. Шунини таъкидлаш керакки, криминалистикага оид адабиётларда бир қатор намунавий дастурлар мавжуд ва нашр этилган бўлса-да, ўтказилган сўровномадаги сўров иштирокчиларнинг 39,4 фоизи ўз фаолиятида қўллаши маълум бўлган.

Дастурий-мақсадли усул терговга жалб қилинган шахс томонидан ҳаддан ташқари субъективлик намоён бўлишининг олдини олишга имкон беради.

Дастурлаш ва алгоритмлаш усуллари ўхшаш тушунчалардир.

Ушбу усулларни жиноий инсценировкаларни аниқлаш ва фош этишда қўллашнинг қийинлиги шундан иборатки, режани тузишда тергов

³ Шаталов А.С. Криминалистические алгоритмы и программы в системе методики расследования преступлений // Forensic scientists and their role in improving the scientific foundations of criminal proceedings. – М.: 2007. Part 1. – Р. 433.

⁴ Хакбердиев А.А. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиноий инсценировка бўйича тусмолларни илгари суриш, уларни текшириш ва аниқлаш // Bulletin of legal sciences. - Tashkent, 2020. - Special issue, part 1. - В. 175.

субъектига тайяниши мумкин бўлган намунавий дастурлар (алгоритмлар) етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Шунга қарамай, жиноий инсценировкани аниқлаш ва фош қилиш учун намунавий дастурларни (алгоритмларни) яратиш босқичларини қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин. **Хусусан:**

– *жиноий ишларни тергов қилиш бўйича амалий маълумотларни тўплаш ва одатий тергов ҳолатларини инсценировка фаолиятига хос бўлган ҳолатларни аниқлаш;*

– *ҳар бир стандарт тергов ҳолати учун муаммоларни аниқлаш, вазифаларни ҳал қилиш учун воситаларни аниқлаш;*

– *алгоритм (дастур) қуриш ва кейинчалик амалда текшириш*⁵.

И.В.Кубарев қизиқарли таклифни олдинга сурган, яъни у тергов муаммосини жамоа бўлиб режалаштириш орқали ҳал қилишни таклиф қилган. Ушбу ўзаро таъсирнинг самарадорлиги, бир томондан, терговни мураккаблаштирадиган омилларга (ахборотнинг етишмаслиги ва номувофиқлиги, манфаатдор шахсларга қарши туриш) тажриба, интеллект, бир нечта шахсларнинг сезгиси (гуруҳ 5-7 киши)дир⁶. Кўриб турганимиздек, расмий равишда тергов гуруҳи ташкил этилган тақдирда амалга оширилади, бошқа ҳолларда асоссиз равишда кенг доирадаги шахслар учун муҳим маълумотларнинг тарқалиши хавфи мавжуд, бу эса, масалан, жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига олиб келиши мумкин.

Режалаштириш таркибидаги асосий элементлар қуйидагилардир:

– *тусмолни илгари суриш ва терговнинг умумий стратегиясини аниқлаш;*

– *тергов ҳаракатлари тизимини ва уларга алоқадор шахсларни аниқлаш;*

– *айрим тергов ҳаракатларининг тактик хусусиятлари ва тактик усуллари аниқлаш;*

⁵ Марочкин Н.А., Асташкина Е.Н. Алгоритмизация эффективный метод оптимизации расследования преступлений // Извест. Алт. <http://cyberleninka.ru/article/n/algoritmizatsiya-effektivnyy-metod-optimizatsii-rassledovaniya-prestupleniy>. – Р. 214.

⁶ Кубарев И.В. Согласованное планирование расследования: проблема методики // Current problems of crime investigation: Materials of the International Scientific and Practical Conference. – М., 2013. – Р. 187.

– тергов натижаларини таҳлил қилиш (танқидий баҳолаш).

Тергов режасини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шарти терговнинг самарадорлиги ва тезлигини таъминлайдиган бир нечта тусмолларнинг параллел текширилиши ҳисобланади. Ушбу усул бўйича 2019 йил Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида жиноят иши тергов қилиниб фош этилган.

Қ.Ж. бир неча нафар фуқаролардан ўз қарзларидан қутилиш ниятида ўзганинг мол-мулкани қўлга киритишни мақсад қилиб, таниши Р.М. билан учрашиб, «Nexia-2» русумли автомашинасида гўёки отасига зарур бўлган дори-дармон сотиб олиш учун дорихонага бирга боришини илтимос қилган ва у рози бўлган. Қ.Ж.нинг аслида жиноий мақсадини амалга ошириш учун қулай жой қидириб, кун давомида дастлаб Янгиер, кейин Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳарларига бориб келган ва йўлда автомашинаси носозлиги баҳонасида кечки соат 19.30 ларда Қ.Ж. кун қоронғу бўлганидан фойдаланиб, Р.М.га уйига олиб бориб қўйишини айтиб, Боёвут туман ҳудудида автомашинани йўлнинг ўнг четига тўхтатиб, Р.М.га зўрлик билан рухий таъсир ўтказиб, унга гўёки у ўзини-ўзи ўлдиргани, бу ҳолат бўйича ҳеч кимга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида тилхат ёздириб олиб, Р.М.ни бўйнидаги бўйинбоғи билан қасддан бўғиб ўлдириб, сўнгра унинг тилла тақинчоқларини босқинчилик йўли билан қўлга киритган. Р.М.нинг мурдасини Ховос тумани ҳудудидаги йўлнинг четига ташлаб, ёздириб олган тилхатини Р.М.нинг шахсий сумкасининг ичига солиб, гўёки ҳеч нима бўлмагандай қилиб ўзини кўрсатиш мақсадида уйига қайтиб кетган.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган тегов жараёнида Қ.Ж. ҳеч нима билмаслигини айтиб қилган айбини тан олмасликка ҳаракат қилган. Мазкур ҳолатда суриштирув ва тергов органи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда тусмолларни илгари суриш, фотосуратлар орқали таниб олиш, бир неча бор юзлаштириш ҳамда экспертиза ўтказиш, тергов ҳаракатлари тизими ва уларга алоқадор шахсларни яратиш, турли тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш ва сўроқ қилиш давомида Қ.Ж.нинг айби фош этилиб, ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди ва 164-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топилган.

Биз бунга рози бўлишимиз мумкин, айниқса жиноятчиликнинг ошкор этилмаслиги шартлари ҳақида гап кетганда. Шунини таъкидлаш керакки, жамоавий режалаштириш усулидан фойдаланиб, олинган маълумотларни параллел равишда текширишни таъминлаш мумкин. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 355 ва 356-моддалари 1-қисмига биноан гуруҳ раҳбари бўлган терговчи ва терговчилар – ўзлари томонидан амалга оширилган тергов ҳаракатларининг натижалари жиноят ишини ишлаб чиқиш учун қабул қилган терговчи ҳаракатларининг натижалари билан бир хил маънога эга.

Ва нихоят, жиноий инсценировкани аниқлаш ва фош қилиш учун стандарт дастурларнинг йўқлиги сабабли ўхшаш усуллар қўлланилиши мумкин. Яъни, айрим ҳолларда жиноятнинг муайян турини тергов қилиш учун стандарт дастурлар *“тескарисидан”* қўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг бир туридан фойдаланиш маъқул⁷.

Таснифлашда жиноий инсценировкаларни аниқлаш ва фош қилиш учун қуйидаги асослар бўлиши лозим:

- инсценировка субъекти – инсценировкачининг фаолияти амалга оширилган шарт-шароитлар;
- фаолият предмети – инсценировка фаолиятининг натижаси;
- инсценировка айбловнинг сунъий далилларини - инсценировкачининг фаолияти натижасида ҳосил бўлган тасвир;
- мақсадга эришиш воситаси ва механизми - ушбу фаолият натижасида юзага келган оқибатлар⁸.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур илмий мақоламизда олиб борилган тадқиқотлар инсценировкаларни аниқлаш ва таъсир қилишнинг умумий усуллари орасида қуйидаги усулларни ажратиб кўрсатиш мумкин: дастурий-мақсадли (дастурлаш ва алгоритмлаш) ва режалаштириш.

Усуллар (дастурий мақсадли, режалаштириш) доимий равишда такомиллаштирилмоқда, чунки уларнинг барчаси тергов ва суд амалиётига асосланган бўлиб, ҳозирги вақтда жиноий инсценировкаларни аниқлаш ва

⁷ Хакбердиев А.А. Жиноий инсценировка тузилишига кўра турлари, таснифи ва тизими // Journal of Legal Studies. - Tashkent, 2020. - №3. - P. 19.

⁸ Хакбердиев А.А. Жиноий инсценировкалар, уларни таснифлашнинг назарий асослари // Journal of Law and Duty. 2020. – No. 3. - P. 51.

фош этиш билан боғлиқ равишда илмий асосда тизимлаштирилиши керак, ушбу усуллар келажакда тадқиқот муаллиф томонидан давом эттирилади.

Дастурий-мақсадли ва режалаштириш усуллари чуқур ишлаб чиқилмоқда, чунки уларнинг барчаси тергов ва суд амалиётига асосланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар жиноий инсценировкани аниқлаш ва фош қилиш бўйича тизимлаштирилмаган.

Шуни айтиш керакки, бир қатор жиноятларни тергов қилиш пайтида маълум бир турдаги жиноий инсценировкани аниқлаш ва фош қилиш методологияси етарли даражада ўрганилган, масалан, қотиллик⁹, ўз жонига қасд қилиш, номусга тегиш¹⁰, ўғирлик¹¹, босқинчилик¹², фирибгарлик¹³, банкротликни яратиш, йўл-транспорт ҳодисалари, ахборот-компьютер технологиялари ва бошқалар.

Шу муносабат билан биз ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, жиноий инсценировкаларни текшириш ва аниқлашда (шу жумладан, жиноят иши кўзгатиш босқичида), шунингдек, сунъий далилларни яратиш билан боғлиқ ҳолда ёлгон хабар беришда жиноий инсценировка тусмолларини илгари суришдаги долзарб масалаларни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

РЕЗЮМЕ

Айрим турдаги жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ёки фош қилиш натижасида қончилигимизнинг нотўғри қўлланиш оқибатлари юз бермоқда. Шу муносабат билан, ушбу мақолада инсценировка қилиш

⁹ Александренко Е.В. Типичные способы подготовки и сокрытия серийных сексуальных убийств // Current problems in crime investigation: Proceedings of the International Scientific and Practical Conference (Moscow, May 23, 2013). 2013. – С. 5.

¹⁰ Пулатов Ю.С. Формы и методы профилактической деятельности по нейтрализации причин и условий, способствующих самоубийствам в ИВС // Suicide holatlarini oldini olishda psychologist tayorgarlik masalalari: Ilmiy amaliy seminar. – Т.: Uzbekistan Respublikasi IIV TOKHTBU. 2013. – Р. 77.

¹¹ Прохоров Е.С., Малахов А.С., Сидорова К.С. Особенности способов хищений денежных средств со счетов клиентов банков, совершенных с использованием технических каналов связи // Bulletin of the Barnaul Law Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia (scientific and theoretical journal). – Barnaul, 2017. – Р. 34

¹² Баратов А.И. Хонадонларда содир этилган талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергов қилиш услублари // diss. ...walks. science. candidate. – Т.: TDUU, 2011. –С. 95.

¹³ Юрин В.М. Основание выдвижения версии о мошеннической операции "запланированное банкротство" // Issues of qualification and investigation of crimes in the economic sphere: Collection of scientific articles based on the materials of the All-Russian scientific and practical seminar (December 15-18, 1998), - Saratov, 1999. – Р. 105.

орқали содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош қилишнинг айрим усуллари тавсифи таҳлил қилинган. Таҳлил якунида инсценировка тергов амалиётида эътибор берилиши керак бўлган ҳолатлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Возникают последствия неправильного применения наших дискреционных полномочий при выявлении, предупреждении или раскрытии отдельных видов преступлений. В связи с этим в статье анализируются особенности некоторых методов выявления и раскрытия преступлений, совершаемых посредством инсценировки. В результате анализа разрабатываются предложения об обстоятельствах, на которые следует обращать внимание при проведении инсценировки следственных действий.

The consequences of the incorrect application of our discretion in the detection, prevention or exposure of certain types of crimes are occurring. In this regard, this article analyzes the characteristics of some methods of detecting and exposing crimes committed through staging. As a result of the analysis, proposals are developed on the circumstances that should be paid attention to in the practice of staging investigations.

Илмий ахборотлар

Мунира УМАРОВА,
МОИ Махсус-касбий фанлар кафедраси кабинет бошлиғи

**КАСБИЙ МАҲОРАТ: БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ, ИДРОК
ВА ТАФАККУРГА ИШОНЧ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ**

Дунё турмуш тарзида кадр-қимматнинг олий намунаси ҳамда энг яхши томирлари касбий маҳоратни ўстиришда ишонч-одамийликнинг ўта муҳим капиталига айланади. Шу боис мухтарам Президент Шавкат Миромонович ишонч қадрияти одамларни рози қилишга даъват этади, деб таъкидлаган эди. Давлат сиёсатига ишонч ўрнатилган принципларга содиқликда, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш – амалий қўлланиш жараёнларида кўринади.

Принципиаллик оддий ақидаларга содиқлик ва ирода хусусиятларида намоён бўлади, Булар: *қатъият, жавобгарлик, кўзланган мақсадга эришишда самарадорлик кўрсаткичининг юқорилиғи.*

Ватанга содиқлик эса Ватанни севиш – ҳар қандай шароитда ўз бурчини бажаришга тайёргарлик, бутун имконияти ва кучини Ватан ҳимоясига сарфлаш дегани. Ватан олдидаги бурч ахлоқ меъёри ҳисобланиб, жамият учун ишонч, ҳалол меҳнат, хизмат бурчига содиқлик, топширилган вазифалар учун жавобгарлик талаб этилади ҳамда умумий ишларга жамоатчилик билан биргаликда жавоб бериш ҳисси ила белгиланади. *Масъулият ҳислатини шакллантириш – бевосита фуқаролик ҳиссини тарбиялаш билан боғлиқ жараён. Фуқароликни англаш, биринчидан, жавобгарлик, иккинчидан эса бурч ва масъулят. Бурч – инсон руҳий оламининг энг юксак чўққиси бўлиб, ўз идеалига хизмат қилиши билан белгиланади.*

Ички ишлар органлари ходимлари жамиятимизда жамоа олдидаги бурчни сезиши муҳим ҳисобланиб, шахслараро муносабатларда жамоатчилик ҳиссининг юқори бўлишини таъминлайди. Демак, мафкуравий қонун, инсонларга тўғри муносабат, раҳбарлар буйруғи ва ички тартибга риоя қилиш асосида муомала маданнияти меъёрларини шакллантириш орқали амалга оширилади. Ходим ҳар қандай шароитда

вазият талаби асосида бу жараёни бошқара олиш қобилиятини ривожлантириши зарур.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий маҳоратини шакллантириш асосларига қуйидаги тамойиллар киради: **Касб** – меҳнат фаолиятининг алоҳида тайёргарлигини талаб этадиган тури бўлиб, инсоннинг яшаш, ҳаёт кечириш манбаи ҳисобланади. Касбий маҳорат ходимда тезкор хизмат вазифаларини бажариш сифати ва самарасини белгиловчи билим ҳамда идрок тажрибаларини юқори даражада шакллантиришда намоён бўлади. Касбий маҳоратга юқори савияли билимларни чуқур англаш, уларга руҳий тайёргарлик кўриш орқали эришилади. **Мотивация**ларни тўғри танлаш жиноят ишларини очишда қўлланиладиган усул ва билимлар мажмуи, яъни билиш жараёнининг мувофаққиятига боғлиқ. Ҳар бир ходимнинг ходим сифатида ўзини англаши, интилиши, касбий ютуқларга эришиши ўзини яхши мутахассис қилиб кўрсатишга бўлган ҳаракатларида намоён бўлади. Очиғини айтганда, ўз хизмат фаолиятини бажаришда ходимлар турли хил фавқулотда вазиятлар билан тўқнаш келишади.

Ҳаёт учун хавфли, қалтис вазиятлар ходим руҳиятига кучли таъсир ўтказиб, руҳий барқарорлик, чидамлилиқ, тартиблиқ, бурчига содиқлиқ хусусиятларини талаб қилади. Бу хусусиятларни амалга ошириш касбий психологик тайёргарликдан ўтган ходимларда, яъни диққат, хотира, тафаккур жараёнларининг фаоллашуви натижасида ҳаракатнинг мувофиқлиги ва изчиллигини таъминлайди.

Дарвоқе, ходим ўз хатти-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларини таҳлил қилишда ожиз бўлса, унинг хизмат вазифасини бажаришдаги мажбурият, масъулият, жавобгарлик ҳисси қийнай бошлайди. Натижада ходим вужудга келган вазиятни қандай бўлмасин бартараф этиш ҳолатига тушади. Бундай ҳолат ходимни зўравонлик қилишга, куч ишлатишга, таъқиб ва таҳдид қилиш орқали ноқонуний воситалардан фойдаланишга ундайди. Яъни, касбий-психологик тайёргарликнинг сустиги ходимда қўполлик, дағаллик, формал тарзда иш юритиш, ҳокимиятга интилиш каби салбий хусусиятларни юзага келтиради.

Айни пайтда касбий-психологик тайёргарлик ички ишлар идоралари ходимларининг барча йўналишлари учун умумий асосга эга бўлиб, фаолият олиб бориш хусусиятларини инобатга олган ҳолда касбий маҳорат

масалаларини ҳал қилиш ҳамда усул ва воситаларини мувофиқлаштиришни эса пухта ўтай бошлайди.

Зарурий касбий тайёргарликдан ўтмаган ходим қуйидаги салбий руҳий ҳолатларга:

- мавжуд қийинчиликларни тўғри баҳолай олмаслик, бефарқлик, сезгирлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликнинг сустлиги (касбий кузатувчанлик шаклланмаган);

- масъулиятли жавобгарликдан қўрқиш, омадсизликлардан қочиш орқали муваффақиятга эришиш воситаларини кидириш (иродасизлик, қатъиятсизлик);

- яқинларининг ҳаёти учун хавотирланиш, ўз шахсиятини кучли ҳимоя қилиш;

- хатти-ҳаракатлар назоратининг йўқлиги, қарор қабул қилишда қийналиши, бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларга тезкор жавоб реакциясининг пастлиги, қатъиятсизликка дуч келинади.

Ички ишлар идораларида: ЙХХ, ППХ, ХЧК, ЖИЭМ, ҚОХ, ЁХХ, Қўриқлаш ва бошқа хизмат фаолиятларидаги муваффақиятини қуйидаги касб маҳорати хусусиятлари белгилаб беради:

1. ақли ва диққат хусусиятлари (тезкор қарор қабул қилиш, турли ахборот ва ҳолатларни эсда сақлаш, қиёсий таққослаш);

2. коммуникатив (киришимлик, фуқаролар билан муносабатларини тўғри ўрнатиш ҳамда жисмоний бақувватлик зўриқишларга чидамликни оширувчи омил);

3. ижтимоий билиш хусусиятлари (янги нажот билими ва илғор тажрибаларни эгаллашга интилишда кўринади);

4. ташкилий хусусиятлари (ўз иш фаолияти ва фуқаролар хатти-ҳаракатини назорат қилиш);

5. руҳий барқарорлик (турли руҳий зўриқиш, стресс ҳолатларига чидамлик, ҳиссий турғунлик) ўта муҳим роль ўйнайди.

Бизнингча, касбий маҳорат хусусиятларини ривожлантириш учун ходимдан қуйидаги психологик омилларга эътибор қаратиш талаб этилади:

Касбий идрок — ходимнинг касбий фаолияти учун аҳамият касб этадиган ҳодиса, ҳолат, объектлардан предметли нарсаларни ажратиб олиб, яхлит ҳолда ўз онгида акс эттириш, оддий шахс кўра олмаган

ҳолатлардаги нарсаларни тез ва осон илғаш жараёни ҳамда яхши ривожланмаган касбий идрок ходимда иллюзион идрок қилиш хусусиятларини шакллантиради.

Касбий тасаввур – воқеа-ҳодисаларни майда қисмлар асосида ҳуқуқий онгида қайта тиклаш, жонлантириш, бўлиши мумкин вазиятни кўз олдида гавдалантиради.

Касбий диққатлилиқ – нимага, қачон, қаерда, нима учун диққатни қаратиш кераклигини белгилаб берувчи хусусият ҳисобланади. Касбий диққатнинг яхши ривожланганлиги диққатнинг мақсадли ҳамда моҳирона йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Касбий хотира – тезкор, узоқ муддатли, асл сўз мантиқли шаклда, рақам, исм, фамилия, қиёфаларни тез таниб, эслаб қолиш, қайта тиклаш (кейинчалиқ фарқлай олиш)да намоён бўлади.

Касбий тафаккур – муҳим масалаларни ечишга оид ҳолат ва ҳодисаларнинг моҳиятини тез англаш, турли-туман ахборотлар ичидан ўта зарурини ажратиб олиш, улар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни аниқлаш, кўпчилиқ илғай олмайдиган майда нарсаларни кўра олиш, уларни турли ҳаракат ва қиёфаларда образлаштирилиб, жонлаштирилади.

Касбий кўникма – фаолият талаб этадиган ҳаракатларни автоматлаштирилган тарзда бажариш, уларни тез, тўғри, осон, сифатли ва кўп марта бажаришга шахсий имкониятларининг мавжудлигидир.

Касбий сезгирлиқ ва кузатувчанлиқ – ҳис этиш аъзоларини машқ қилиш орқали ривожлантиради. Бу хусусият фаолият давомида шаклланади. Масалан, йўл-патруль ходими ўз фаолияти мобайнида келаётган машина товушидан ундаги техник носозлиқларни аниқлай бошлайди. Касбий сезгирлиқ ва идрок касбий диққат хусусиятларининг мужмуи ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти жуда мураккаб ва ўта жавобгарлиқ талаб этади, жисмоний ва руҳий зўриқишларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ходим ўз хулқини жамият учун аҳамиятли ва фойдали мақсадга бўйсунтириши зарур. Фаолиятнинг самарали бўлишига олиб келадиган мақсадни амалга ошириш – мардлик, куч-қудрат, фахр туғдиради. Демак, ижтимоий қарашларнинг шакллангани танланган касбга бўлган муносабат билан белгиланади. Шунинг учун бу жараёнлар

психологик ва педагогик нуқтаи назардан ахлоқлилик ва ишончлилик принциплари асосида амалга оширилиши керак.

Уларнинг аҳоли билан муомала маданияти: шахслар, оилалар, меҳнат жамоалари, ижтимоий гуруҳлар, ҳар хил жамоат ва давлат ташкилотлари, муассасалар ҳамда хорижий давлат фуқаролари, қонун, фармон, низом ва буйруқлардаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар, принциплар билан тартибга солинган ахлоқий-эстетик, ҳуқуқий муносабатлар тизимига айтилади.

Муомала маданияти жуда мураккаб жараён бўлиб, у одамларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий муносабатлари ҳамда алоқалар йиғиндисидан ташкил топади. Шу сабабли уни тарихий ворисийлик ва замонавийлик талаблари даражасида шакллантириш ички ишлар идоралари ходимларининг ички ва ташқи маданияти ҳамда тафаккури уйғунлигини, муштараклигини таъминлайди.

Жамиятнинг одоб муомаласи ва мулоқоти умуминсоний ҳуққ нормаларини ўз ичига олган бўлиши керак. *Ички ишлар органлари ходимлар баркамоллиги, унинг маънавий дунёси қандайлиги билан белгиланади?* Энг муҳими миллий тарбия кишининг қимматбаҳо бойлигидир. Муҳтарам Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев миллий тарбияга мурожаат қилар экан: **“Тарбия, тарбия ва яна тарбия”** тамойилини эъзозлаганлар.

Шундай қилиб, кабий маҳоратда бурч ва масъулият, идрок ҳамда тафаккур олий ишончни таъминлаган ҳолда ойдин иқболга йўғрилган Янги Ўзбекистон давлати учун хизмат қилади.

Давлат сиёсатига ишонч ўрнатилган принципларга содиқликда, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиниши ҳамда амалий қўлланиши жараёнларида кўринади.

Масъулият – умумий ишларга жамоатчилик билан биргаликда жавоб бериш ҳисси ҳамда ҳислатини шакллантириш – бевосита фуқаролик ҳиссини тарбиялаш билан боғлиқ жараён. Фуқароликни англаш, *биринчидан* – жавобгарлик, *иккинчидан* эса бурч ва масъулият.

Бурч – инсон руҳий оламининг энг юксак чўққиси ва ўз идеалига хизмат қилиши билан белгиланади, – деган Президент талаблари ўзига хосликка эгадир. Жамиятимизда ИИ ходимининг жамоа олдидаги бурчини

сезиш муҳим ҳисобланиб, шахслараро муносабатларда жамоатчилик ҳиссининг юқори бўлишлигини таъминлайди.

Айнан касбий-психологик тайёргарликнинг йўқлиги ходимда кўполлик, дағаллик, формал иш юритиш, ҳокимиятга интилиш, қонунни бузиш, жиддий касбий бузилишларга йўл қўйиш каби ҳаракатларни амалга ошириш хусусиятини шакллантиради.

Дарҳақиқат, ходимнинг ўз камчиликларини тан олиши, таълим ва тарбия вақтида камчиликларни кўра билиши, уларни бартараф этиш айтиш муддаодир. Камчиликларни яшириш, қийнчиликларни кўрсатмаслик фаолият самарадорлигини сусайтирувчи хусусиятга эга.

Шундай қилиб, ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти жуда мураккаб ва ўта жавобгарликни талаб этади, жисмоний ва руҳий зўриқишларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ходим ўз хулқини жамият учун аҳамиятли ва фойдали мақсадга бўйсундириши зарур. Фаолиятнинг самарали бўлишига олиб келадиган мақсадни амалга ошириш мардлик, куч-қудрат, фахр туғдиради. Ижтимоий қарашларнинг шаклланиши танланган касбга бўлган муносабат билан белгиланади. Шунинг учун бу жараёнлар психологик ва педагогик нуқтаи назардан ахлоқчилик ва ишонччилик принциплари асосида амалга оширилиши керак.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан муомала маданияти, касбий маҳорати, бурч, масъулият, идрок ва тафаккур масалалари таҳлилий тарзда кўриб чиқилган.

В данной статье делается анализ вопросы культуры общения сотрудников органов внутренних дел с населением, профессионализма, долга, ответственности, восприятия и мышления.

This article examines the culture of communication, professional skills, duty, responsibility, perception, and thinking of internal affairs officers with the population.

Жасур КЕНЖАЕВ,
Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси
доценти, с.ф.б.ф.д.

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ: ҲАР ҚАНДАЙ ХОДИМНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ТУЗИЛМАСИ**

Давлатимизнинг ривож ва барқарор тараққиёти аҳолининг давлат бошқарув тизимига бўлган ишончи ҳамда жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг амалга ошиш даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда тубдан янги тизим жорий этилиши натижасида давлат ҳокимиятининг халққа яқинлашиши кузатилиб, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган: *“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”*, – деган ҳаётий қоида тобора амалдаги ижтимоий воқеликка айланиб бормоқда[8].

Ҳозирги пайтда барча жабҳада жамият ҳаёти эркинлашди, инсонлар эркин нафас ола бошлади. Бу ўзгаришларни халқ ҳам, дунё ҳам ижобий баҳоламоқда. Барча кўриб, баҳра олиб турган бундай ислохотлар *инсон қадрини улуглашда шубҳасиз узоқ вақт хизмат қилади*. Инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш – энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, ислохотларнинг замирида *“инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”* деган ҳаётбахш ғоя мужассамдир.

Сўнгги йилларда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар, *бир томондан*, ушбу тузилмани халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилган янги профессионал тузилмага айлантиришга қаратилган бўлса, *бошқа томондан* эса мамлакатамизда ҳуқуқ-тартиботни, осойишталик ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини,

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди[1].

Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиладиган 13 та қонун, Президентимизнинг 9 та Фармони, 40 та қарор ва 3 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 115 та қарори ҳамда 160 дан зиёд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда уларда белгиланган қоидалар ички ишлар органлари фаолиятининг янада самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Тизим фаолиятидаги катта ижобий бурилишларнинг гувоҳи бўляпмиз. Яъни, ички ишлар органларининг бошқарув тизими тўлиқ мақбуллаштирилиб, 85 фоиз (илгари 54 %) шахсий таркиб бевосита аҳоли учун қулай жойларда хизмат қилиниши таъминланди [2]. Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир қабул қилинган меъёрий ҳужжатда қонун ёки Президент қарори ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатми уларнинг асосий негизи ва мазмунида инсон ҳуқуқлари, инсон манфаатлари ҳамда инсон қадрига йўналтирилганлиги кўзга ташланади. Бу эса янги Ўзбекистон Республикаси асосий қонуни – Ўзбекистон Конституцияси нормалари асосида ўз аксини топган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида: *“Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидан масъулдирлар”*, – деб белгилаб қўйилган. Амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий тузилмага айлантириш мақсадида яхлит ҳуқуқий тизим яратилмоқда[3]. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар ҳақида сўз кетар экан, аввало, соҳада ўтган йилларда кўрилган кенг кўламли чоралар ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Ислохотларнинг мантиқий давоми ва шу билан бирга, ички ишлар органларининг айрим вазифа ва функциялари аниқлаштирилиб, янги бўлинмалар фаолияти ташкил этилди, унинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар

амалга оширилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилиши муносабати билан аҳолига энг яқин бўлган жойларда куч ва воситалар фаолиятини бевосита бошқариш ҳамда мувофиқлаштиришга қаратилган самарали тизимни яратиш мақсадида Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг амалдаги тузилмаси тубдан такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, профилактика инспектори маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ўринбосари этиб белгиланди. Хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун 362 нафар аёллар масалалари бўйича инспекторлар фаолияти йўлга қўйилди. Илгари ушбу вазифани профилактика инспектори бажариб келган. Аёл инспекторларининг фаолияти йўлга қўйилиши жамиятимиздаги аёлларнинг ҳуқуқ, эркинликлари таъминланишига ҳисса қўшди. Маҳалладаги хавфсизлик ҳолати ҳар ойда аҳоли томонидан, бу борадаги амалга оширилган ишлар натижалари эса Халқ депутатлари туман-шаҳар кенгашлари томонидан баҳолаб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳар бир раҳбар ва ходимнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган қараши тубдан ўзгарди. Уларнинг кундалик хизмат фаолияти рақам ва фоизлар орқасидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифага айланди[7]. Ички ишлар органлари тизимидаги амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар давомида 2017 йил 10 апрелдаги *“Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-5005-сон фармони, 2017 йил 29 ноябрдаги *“Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПҚ-3413-сон қарорлари[5] асосида ички ишлар органлари фаолиятида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Президентнинг 2021 йил 26 мартда *“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида*

ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони ва мазкур фармонга мувофиқ, 2021 йил 2 апрелда “*Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида*”ги ПҚ-5050-сон Қарори, 2021 йил 15 апрелда “*Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида*”ги ПҚ-5076-сон Қарорлари қабул қилинди. Ушбу фармон ва қарорларнинг барчасида “*халқ манфаатлари*” устувордир.

Мазкур қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва жамоатчилик билан ҳамкорликда 3 босқичли патруллик хизмати ташкил этилди. Жамоат жойларидаги вазиятни кузатиб бориш учун 16 та “Вазиятлар марказ”лари ташкил этилиб, уларга кўчалар, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий объектларга ўрнатилган 100 мингдан зиёд видеокамера ва 8 мингдан ортиқ тезкор чақирув тугмалари интеграция қилинди. Жамоат жойларида хавфсизликни “инсон омили”ни истисно этган ҳолда таъминлаш учун, йўл-патруль ва пост патруль хизмати ходимлари 6 100 та “бодикамера”, 179 та алкотестер, 6 514 та ҳуқуқбузарликларни қайд этувчи планшетлар билан таъминланди. Автомобиль йўлларида қоидабузарликларни аниқлаш учун 1 096 та видеокамералар ва 184 та радар мосламалари ўрнатилди. Фуқароларга қоидабузарликни қайд этишга рухсат берилди.

Шунингдек, халқаро стандартларга жавоб берадиган ID-карта, “*биометрик*” хорижга чиқиш паспорти ва ҳайдовчилик гувоҳномасининг янги намуналари амалиётга жорий этилди[7]. органларининг Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички ишлар фаолиятини такомиллаштириш, уни тартибга солиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш каби бир қатор вазифалар билан бирга ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий рағбатлантиришлари белгиланган.

Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ўз маърузаларидан бирида ички ишлар органлари жамият ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутиши ҳақида алоҳида тўхталиб, “Халқимиз Яратгандан аввало тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратяпмиз” [8]деган эдилар.

Ички ишлар органлари фаолиятида олиб борилаётан ислохотларнинг мантикий давоми сифатида, шунингдек, ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “*2022 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида*”ги ПФ 60-сон Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январда “*Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги ПҚ–10-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Унга асосан “*Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси*” тасдиқланди[10]. Мазкур Кодекс, энг аввало, ички ишлар органлари ходимларини “Инсон кадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига

эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик каби муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, инсон омилини истисно этиш ҳамда коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, хизматни ўташ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини замон талабларига мос равишда тўлиқ рақамлаштириш белгилангани соҳада учраётган кўплаб салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши кўзда тутилган.

Дарвоқе, ислоҳотлар натижасида ички ишлар органлари тизимини малакали, етук кадрлар билан таъминлашда лавозимга кадрларни танлаш ва тавсия этиш бўйича замонавий демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий механизм яратилди[9]. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда ички ишлар органлари тизимини янада ривожлантириш, ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқ профессионал тузилмасига айлантириш, аҳоли билан аниқ мақсадли ишлашга қаратилган ташаббуслари ижросини таъминлаш мақсадида, келгусида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ички ишлар органларининг хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш, кўча ва жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш бўйича Миллий гвардия билан жавобгарлик ҳудудларни қатъий ажратган ҳолда мавжуд куч ва воситаларининг ягона бошқарув тизимини жорий этиш, ўз навбатида, барча наряд ва патрулларни масофадан туриб бошқариш, уларнинг хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот-коммуникация тизимлари жорий этилди.

Шу билан бирга, ходимларнинг маънавий дунёқарашини ошириш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлишини таъминлаш борасида ҳар бир

ходимнинг хатти-ҳаракатларига алоҳида баҳо беришга ҳамда унинг хулқ-атворидан келиб чиқиб, аниқ тарбиявий тадбирларни ўтказишга қаратилган “ходимбай” тизими жорий этилди. Бундан ташқари, фуқаролар учун қўшимча қулайликлар яратиш, асосий хизмат фаолияти йўналишларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва “инсон омили” таъсирини камайтириш мақсадида тизимни босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тизимда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини аниқлаш ва комплекс баҳолаш бўйича шаффоф рақамли электрон дастурни жорий этиш, бунинг учун, унинг индикатор ва субиндикаторларини шакллантириб амалиётга тадбиқ этиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари раҳбарларининг ҳудудларда ҳуқуқ устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш борасидаги масъулиятини кучайтиришга, бунинг натижасида тегишли халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг ўрни янада яхшиланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ў.Х.Мухамедов. Ўзбекистонда халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш истиқболлари. Монография. Т.2020. 3-б.
2. Интернет манба: <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari-tizimida-amalga-oshirilgan-islohotlar>.
3. «Эл тинчлигини таъминлаш, барқарорликни сақлаш йўлида ходимларимиз ўз ҳаётини ҳам аямайди» – Пўлат Бобожонов билан катта интервью// <https://uza.uz/uz/posts/ichki-ishlar-vaziri-el-tinchligini-taminlash-bar-arorlikni-s-15-08-2020>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони “*Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга*

кўтариши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон (2021 йил 26 март) фармони // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5344118>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 29 ноябрь кунги *«Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташиқил этиш тартибини тубдан такомиллаштириши чора тадбирлари тўғрисида»*ги ПҚ 3413-сонли қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/3430641>

6. 2017 йил 8 сентябрдаги *“Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар Концепцияси тўғрисида”*ги ПҚ-5185-сон; *“Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириши чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-27 сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони; 2021 йил 2 апрелдаги *“Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириши бўйича қўшимча ташиқил чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ-5050-сон қарори; 2021 йил 15 апрелдаги *“Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ-5076-сон қарори ва бошқалар// Электрон манба: www.lex.uz.

7. Интернет манба: <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari-tizimida-amalga-oshirilgan-islohotlar>.

8. Интернет манба: <https://daryo.uz/k/2017/12/07/shavkat-mirziyoyev-turli-unvonlar-orden-va-medallarni-oz-egalariga-topshirdi>.

9. С.Т.Ахмедова. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар. Ҳуқуқий олам. 69-бет.

10. Интернет манба: <https://bviib.uz/uz/news/ichki-ishlar-organlari-xalqchil-hamda-professional-tuzilmaga-aylandi>.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ички ишлар органларида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳамда уларнинг самарадорлиги ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Шу билан бирга ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари илмий-назарий асосда ўрганилган. Таҳлил жараёнида амалга оширилган ислохотларнинг мақсади, аҳамияти ва амалдаги натижалари баҳоланган.

В данной статье с правовой и практической точек зрения анализируются коренные реформы, осуществляемые в органах внутренних дел, и их эффективность. Наряду с этим, на научно-теоретической основе изучены законодательные акты, регулирующие деятельность органов внутренних дел. В процессе анализа были оценены цель, значимость и фактические результаты проведенных реформ.

This article analyzes the recent reforms implemented within the internal affairs bodies from both legal and practical perspectives, as well as their effectiveness. In addition, legislative acts regulating the activities of internal affairs bodies have been examined on a scientific and theoretical basis. The analysis also evaluates the objectives, significance, and actual outcomes of the reforms carried out.



Хусан САИТХОДЖАЕВ,
*Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа
университетининг Қуруқликдаги қўшинлар институти
“Миллий ифтихор ва ҳарбий ватанпарварлик” кафедраси
профессори, ф.ф.н.*

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК: ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатда амалга оширилаётган туб ислохотлар янги давр – Янги Ўзбекистон ғояси концепцияси асосида қурилмоқда. Бу концепциянинг асосий устувор йўналишлари – инсон қадри ва унинг бахти учун ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, қонунийлик ва адолат тамойилларини ривожлантириш бўлиб, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш – Янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омиллардан биридир. Бугунги ёшлар жамиятнинг фаол ва янгиликка интиладиган қатламини ташкил этади, уларнинг ҳуқуқий билимлилиги ва ҳуқуқий фаоллиги нафақат шахсий тараққиёт, балки жамиятда демократик муносабатларнинг қарор топишида ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбек тилининг изохли луғатида ҳуқуқий саводхонлик тушунчасига таъриф берилиб, аҳоли маданий савиясининг муҳим кўрсаткичи, шахснинг ҳуқуқий билимларга эга бўлиши, давлат органлари қонунлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти ҳамда ўз ҳуқуқларини қандай амалга ошириш ва ҳимоя қилишни билиши демакдир. *Ҳуқуқий саводхонлик қуйидагиларни: биринчидан, фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларини, жиноят, маъмурий ҳамда фуқаролик қонунчилигини билиши, иккинчидан, ҳуқуқий маданият – шахснинг қонунларга ҳурмат билан қараши, қонунга итоат қилиш одатини, учинчидан, амалиётда ҳуқуқни қўллаш қобилияти, ҳар қандай вазиятларда тўғри қарор қабул қилиши, ҳуқуқий ҳимоя усулларида фойдаланиши кабиларни ўз ичига қамраб олади.*

Ҳуқуқий саводхонлик болаларнинг ёшлик чоғларидаёқ оилада ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан ахлоқий тарбия таъсири натижасида шакллантирилади. Оилада фарзандларга оддий ҳуқуқий атамаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш: қандай хатти-ҳаракатлар –

яхши-ёмон, айниқса ёмон ҳаракатлар қандай салбий оқибатларга олиб келиши, жамиятда қўллаш учун ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилади, уларни фарзандлар онгига сингдириб бориш ҳар бир ота-онанинг, оила аъзоларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Аввало, ота-оналар ҳуқуқий нормаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб олишлари ва уларга амал қилишлари лозим. Шундан кейин улар фарзандларига ҳуқуқий саводхонлик борасида тўғри йўналишлар бераолади ҳамда ҳуқуқий онг ва маданиятга бўлган эътиқодини шакллантириб боради.

Ёшларимизда ҳуқуқий саводхонликни ошириш жараёнлари китобхонликдан бошланади. 2017 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»*ги фармойиши эълон қилинди. Фармойишдан кўзланган асосий мақсад ёшларимизда китобга бўлган қизиқишни уйғотиш ва китоб мутолааси ҳамда китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган. Президент Шавкат Мирзиёев шундай қайд қилдилар: **«Китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди¹»**. Ёшларимизда китобга бўлган қизиқишини шакллантириш, уларнинг китоб билан ошно бўлиши оиладан бошланади. Аввало, уларнинг ихтиёрига ҳуқуққа оид адабиётларни тавсия этиш ўта муҳимдир. Шу боис ҳуқуқий саводхонликни қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириш керак:

- боланинг ёши ҳамда қобилиятига қараб ҳуқуқий адабиётларни тўғри танлаш ва олиб бериш;
- оилада боланинг ҳуқуқий китобларни ўқиши учун белгиланган вақт ажратган ҳолда шарт-шароит яратиш;
- боланинг ўқиши учун танланган ҳуқуқий адабиётлар содда ва рагон

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи. 2017 йил. 16 январь.

тилда ёзилган бўлиши ҳамда улардан оила кутубхонасини ташкил этиши;

- болаларнинг ҳуқуқий билимларга бўлган қизиқиши ҳамда муносабатларини фақат оила доирасида эмас, балки мактабгача таълим ва мактаб билан ҳамкорликда уюштириши. Бунда тарбиячилар ва синф раҳбарлари болалар билан доимий равишда алоқа ўрнатиб, уларнинг кўпроқ қайсиҳуқуқий йўналишидаги билимларга қизиқишлари билан мунтазам хабардор бўлиб туриши;

- оилада болалар ҳуқуқий саводхонлигини оширишда савол ва жавоб, суҳбат, баҳс ва мунозара, муаммоли ҳуқуқий ҳолатларнинг ечимини топиши каби усуллардан кенг фойдаланиши яхши самара беради.

Ҳуқуқий саводхон бўлиш учун ҳар бир шахс авваламбор ўзидаги ҳуқуқий билимлар даражасини аниқлашга эҳтиёж сезиши керак. Масалан, “Менда ҳуқуқий билимлар етарли даражадами?”, “Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва бурч тушунчаларининг фарқи нимада?”, “Агар ҳуқуқларим бузилса, уни қандай ҳимоя қилишим мумкин?” каби муҳим саволларга жавоб излаш жараёни ҳуқуқий саводхонликни янада мустаҳкамлаш асосини ташкил этади. Ҳуқуқий саводхонлик ёшларнинг фаол ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий саводхонлик ҳар қандай жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий мезони ҳисобланади. Таълим ва тарбия тизими ҳам мазкур жараённинг таркибий қисми бўлиб, уни мукамал эгаллаш ва фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутди. Шу тариқа, таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликнинг юқори даражада таъминланиши жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Миллий ва халқаро тадқиқотлар натижалари ўлароқ, ҳуқуқий саводхонликни оширишда тизимли, узвий ҳамда мақсадга йўналтирилган ёндашувлар самарали ҳисобланади. Жумладан, профессор Б.Н. Сирлиев: “Таълим жараёнида ҳуқуқий билимларни нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий машғулотлар, симуляциялар ва ижтимоий лойиҳалар орқали амалга ошириш – ёшларда ҳуқуқий фаолликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди”², - деб таъкидлайди.

² Сирлиев Б.Н. Замонавий таълимда ҳуқуқий тарбиянинг методик ёндашувлари // Педагогика ва психология масалалари. – Тошкент, 2022. - № 4. - Б. 22-27.

Жаҳон тажрибасига кўра, хусусан Финляндия, Сингапур ва Франция давлатларида ҳуқуқий саводхонликни тарбиялаш мактаб ёшидан бошлаб ҳаётий вазиятларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Масалан, Финляндиядаги “Стс Ебисайоп” (Фуқаролик таълими) дастури орқали ўқувчиларга қонунчилик асослари, фуқаролик жавобгарлиги, давлат ва жамият муносабатлари ҳақида билимлар бериш тизимли равишда ташкил этилган.³

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, ҳуқуқий саводхонликни ўзлаштириш учун фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги асосий тушунчаларни билиши, давлат ва жамият тизимидаги иштирокини таъминлашда муҳим омилдир⁴. Бу айниқса, ёшлар учун муҳим, чунки улар келажақдаги фаол фуқаролар сифатида ижтимоий-ҳуқуқий жараёнларда иштирок этишлари лозим.

Янги Ўзбекистон ёшларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда таълимни ҳуқуқий мазмун билан бойитиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Чунончи, “Ёшлар сиёсати тўғрисида”ги Қонун, мухтарам Президентнинг 2021 йил 13 январдаги ПҚ-4954-сон қарорининг ижроси натижасида умумтаълим муассасаларида ҳуқуқий тарбиянинг мақсадли йўналишлари белгилаб берилган⁵. Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг муваффақияти ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни талаб даражасида ривожлантирмасдан олдинга қўйган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Мухтарам Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январда “*Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида*”ги Фармонида “*Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади*”, - деб таъкидланган. Жамият ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий

³ Niemi R. & Junn J. Civic Education: What: Makes Students Learn? – Yale University Press, 2005. – P. 40-45.

⁴ UNESCO (2022). *Legal literacy and civic engagement among youth*. International Review of Education.

⁵ “Ёшлар сиёсати тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14.09.2016. // www.lex.uz.

маданиятининг юксалиб бориши, авваламбор ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигига бевосита боғлиқдир. Бунда ҳуқуқий тарбиянинг усул ва воситаларини тўғри танлай билиш муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, ёшларда ҳуқуқий саводхонликни шакллантириш ва юксалтириш борасида, авваламбор жамиятда ахлоқий тарбиянинг ролини кучайтириш лозим. Ахлоқ аслида тарбияловчи ва чекловчи хусусиятларга эга. Бу икки хусусиятнинг бирлиги ахлоқни вужудга келтиради. Ахлоқ инсонларни тарбиялайди ва ёмонликлардан тияди. Бугун ахлоқ тўғрисида гап кетганда кўпчиликда ахлоқ фақат тарбиялайди, деган тушунча ҳукмрон. Унинг иккинчи хусусияти чеклашга келганда афсуски ёшларимиз онгида ва жамиятда оқсоқланиш кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам Президент Шавкат Мирзиёев: **“Биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим. Оддий қилиб айтганда, фарзандларимизга болалик пайтидан “яхши” ва “ёмон”, “мумкин” ва “мумкин эмас” деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз, ўзимиз эса доим шахсий намуна бўлишимиз керак”⁶**, - деб бежизга таъкидламаган.

Тунги клублар, дабдабали тўйлар, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ёшларимизнинг оддий кийиниш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик, китоб ўқимаслик каби ўнлаб иллатларнинг ёмонлиги тўғрисида радио ва телевидение орқали соатлаб эшиттириш ва кўрсатувлар берамиз-у, аммо қонун даражасида чекламаймиз. Биз чеклаш тўғрисида гапираяпмиз, тақиқлаш тўғрисида эмас! Дунёвий давлатда тунги клубларни ёпиб ташлаш, сигарет ва спиртли ичимликларни сотишни тақиқлаш ақлга сиғмайдиган иш. Аммо уларни тартибга соладиган механизмларни миллий манфаатларга мос равишда ишлаб чиқиш ва жорий этиш давр талабидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ҳуқуқий кўникма ва одатларни тарбиялаш ғоят муҳимдир. Фалсафий-илмий тадқиқотлар ёрдамида олинган

⁶ Мирзиёев. Ш.М. “Билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халқ - фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. Халқ сўзи. 2019 йил 9 декабрь.

маълумотлар ва кузатишлар шундан далолат берадики, ҳаётда кўпинча ҳуқуқбузарлар билан қонунларга риоя қилувчи фуқароларнинг қонунларни билиш даражасининг қарийб бир хиллиги кўзга ташланади. Лекин ҳуқуққа муносабат билан ҳуқуқий ҳуқ-атвор кўникмаларини ўзлаштириш бир-биридан жиддий фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тарбия борасида муҳими ҳуқуқий кўникма ва одатларни тарбиялаш муҳимдир.

Инсон онгида илк ҳуқуқий тушунчаларнинг шаклланиши биринчи навбатда оилада – ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари томонидан амалга ошириб борилади. Фарзандларимизда ҳуқуқий кўникма ва одатларни шакллантиришда Президент Шавкат Мирзиёев таъбирини шарҳласак: *“яхши” ва “ёмон”, “мумкин” ва “мумкин эмас” тушунчаларидаги “яхши” ва “мумкин”нинг мазмун-моҳиятини тушунтиришдан аввал “ёмон” нима учун ёмонлиги ва “мумкин эмас” нима учун мумкин эмаслигини уларнинг гўдаклик пайтларидан бошлаб онгига сингдириб бориш лозим бўлади.* Тарбиядан кўзланган асосий мақсад ҳам ҳар қандай ёмон одат ва ахлоқсизликларнинг олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Инсон боласининг табиати шундайки, у яхши ҳуқ-атворга бутун умри давомида аста-секинлик билан эришиб боради, аксинча ёмон бўлиш эса бир лаҳзада оқибатини ўйланмасдан қилинган ҳар қандай ноҳуя хатти-ҳаракат салбий оқибатларга, хатто озодликдан маҳрум қилишгача олиб келиши мумкин.

Дарвоқе, ёшларни ҳуқуқий тарбиялашда фақат ота-она ёки тарбиячининг ташқи таъсири етарли эмас. Энг аввало, ёшларнинг ўзларида шахсий фаоллик, ижодий интилиш ва ҳуқуқий билимга бўлган ички эҳтиёж шаклланиши лозим. Бундай сифатларнинг вужудга келиши, аввало, тарбиячининг касбий маҳорати ва шахсга индивидуал ёндашувига боғлиқдир. Ижтимоий педагогикада мустаҳкам ўрин олган қоидалардан бири шундаки, ташқи таъсирнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан шахснинг ўзига, унинг ички мотивацияси ва фаолияти муносабатига боғлиқдир. Қонунларга риоя қилишни шахсий ишонч даражасига олиб чиқиш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш – ҳуқуқий эътиқод шаклланишининг асосий

шартларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ёшларга ўз қобилият ва салоҳиятларини намоён этиш имкониятини яратиш, болалар ва ёшлар ижтимоий бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш – бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Ёшларда ҳуқуқий саводхонликнинг шаклланиши муайян характер хусусиятлари, ҳуқуқий кўникма ва малакалар, шунингдек, барқарор дунёқарашнинг вужудга келиши билан болиқ жараёндир. Бу жараён ёш авлоднинг меҳнат ва оилавий муносабатларга онгли равишда кириша олиши, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни эгаллаши, ижтимоий ҳаётда ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида самарали ва масъулиятли фаолият олиб боришга тайёр бўлиши билан яқунланиши лозим⁷.

Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар мамлакатимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун зарурий ҳуқуқий асос яратилганлигидан далолат беради. Аммо ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш замон талабларига мос қонунларни ишлаб чиқиш билан чекланмайди, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилишни таъминлаш айнан долзарб вазифадир.

Маълумки, ҳуқуқий маданият даражаси қонунлар сони ёки ҳатто уларнинг назарий жиҳатдан мукаммаллиги билан эмас, балки ана шу қонунларнинг амалда қай даражада ижро этилаётгани билан белгиланади. Энг мукаммал қонун ҳам, агар у амалиётда татбиқ этилмаса, ўз ҳуқуқий қийматини йўқотади. Шу нуқтаи назардан, француз мутафаккири Шарль Луи де Монтескье шундай деган эди: *«Мен қайси бир мамлакатга сафар қилар эканман, у ердаги қонунларнинг қанчалик яхши ёзилганлигини эмас, балки улар қандай амалга оширилаётганини кузатаман. Чунки яхши қонунлар ҳар жойда учрайди»*⁸.

Муҳтарам Президентнинг *“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириши концепцияси”* да оила институти орқали ҳуқуқий саводхонликни кучайтириш

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 январдаги ПФ–6155-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. Халқ сўзи: 2021 йил 14 январь

⁸ Монтескье Ш.Л. О духе законов. – М.: Мысль, 1999, – С. 112.

муҳим вазифа сифатида белгиланган⁹. Бунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида, фуқароларнинг турмуш фаолиятида тез-тез учрайдиган ҳолатлар юзасидан ҳуқуқий тушунчаларни содда ва тушунарли тилда ифодалаган ҳуқуқий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳар бир оилага етказиш долзарб вазифалардан саналади. Бу каби қўлланмалар нафақат ҳуқуқий саводхонликни оширишга, балки ҳуқуқий фаолликни ҳам кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт. Мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз қонунларни бузишдан кўра, уларга амал қилишдан манфаатдор бўлишлари лозим”¹⁰, *деб алоҳида таъкидлаган эдилар.*

Ҳозирги пайтдаги фалсафий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар ҳуқуқий тарбиясини шартли равишда қуйидаги йўналишларда олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишларни тизимли ҳамда узлуксиз пухта ишлаб чиқилган дастурлар асосида олиб боришни таъминлаш;

- ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш;

- ёшлар ҳуқуқий маданиятини равнақ топтиришда ўзбек халқининг тарихи, урф-одатлари ва қадриятларига асосланиш;

ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларида, яъни веб-технологиялардан кенг фойдаланиш;

- ҳуқуқий билимларни юксалтириш бўйича ҳуқуқий адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш;

- ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилувчи ҳуқуқий

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”, 2019 йил 9 январь, ПФ-5618-сон.

¹⁰ Мирзиёев. Ш.М. “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”. Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи. 2019 йил 9 декабрь.

*саводхонликка оид факультатив курслар ва тўғараклар ташиқил этиши;
- ҳуқуқий клиникалар – ОТМларда талабалар иштирокида реал ҳуқуқий
муаммоларни таҳлил қилиши ва ҳуқуқий маслаҳат бериши орқали амалий
кўникмаларни шакллантириши ва ривожлантириши назарда тутилади.*

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий саводхонлик тамойиллари ниҳоятда муҳим роль ўйнаши фалсафий-мантикий жиҳатдан таҳлил қилинган.

В статье с философско-логической точки зрения проанализирована чрезвычайно важная роль принципов правовой грамотности в повышении правовой культуры молодежи.

The article analyzes the extremely important role of the principles of legal literacy in improving the legal culture of young people from a philosophical and logical point of view.



Muhiddin JO‘RAYEV,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
mustaqil izlanuvchisi, yu.f.b.f.d. (PhD)

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA **ILMIY ASOSLARNING SHAKLLANISHI**

Mamlakatimizda jamoat xavfsizligi sohasini ilmiy va ekspertlik jihatdan ta’minlashga ixtisoslashtirilgan ilmiy va oliy ta’lim tashkilotlarida milliy jamoat xavfsizligi tizimining ilmiy asoslarini ishlab chiqish bo’yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Milliy jamoat xavfsizligi tizimining ilmiy asoslarini shakllanishida professor I.Yu. Fozilovning O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining Jamoat xavfsizligi masalalari bo’yicha ilmiy amaliy tadqiqotlar markazida 2022-yil nashr etilgan «Jamoat xavfsizligi asoslari fani tushunchasi» o‘quv qo‘llanmasi muhim manba hisoblanadi [1].

Ushbu o‘quv qo‘llanmada jamoat xavfsizligi asoslari fanining tushunchasi, ob’ekti, predmeti, maqsadi, vazifalari va funksiyalariga ilk bor ilmiy-nazariy tavsif berilgan. Mazkur masalalarning mohiyati va xususiyatlari chuqur ilmiy-amaliy tahlillar asosida nazariya va amaliyotning uzviy uyg‘unligida bayon etilgan

I.Yu. Fozilov qayd etganidek, «Jamoat xavfsizligi asoslari – jamoat xavfsizligi tizimining shakllanishi, mohiyati va xususiyatlarini, uning faoliyat ko‘rsatish va rivojlanish qonuniyatlarini o‘rganuvchi ijtimoiy huquqiy fandır.

Jamoat xavfsizligi ta’lim faoliyatining mustaqil sohasi, ilmiy faoliyatning mustaqil sohasi, qonunchilikning mustaqil sohasi, shuningdek amaliy faoliyatning mustaqil sohasi hisoblanadi. Ta’lim faoliyati, ilmiy faoliyat, qonunchilik va amaliy faoliyatning jamoat xavfsizligi sohasi yagona tizimga birlashib, jamoat xavfsizligi tizimini tashkil etadi» [2].

Bundan tashqari, F.K. Xo‘jamberdiyevning ta’kidlashicha: “Jamoat xavfsizligining metodologik asoslarini o‘rganishda, jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyatining vujudga kelishi, rivojlanish va barqarorlashuvining umumiy qonuniyatlarini ochish, uning huquqiy asoslari va vositalarining ilmiy tizimini tahlil etish maqsadga muvofiq” [3].

Jamoat xavfsizligi sohasida **ixtisoslashtirilgan ilmiy tashkilotlar**, xususan **2021 yilda** O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tizimida **Jamoat**

xavfsizligi masalalari ilmiy-amaliy tadqiqotlar markazi [4] va Yo'l harakati xavfsizligi muammolarini o'rganish markazi [5], Milliy gvardiya tizimida Jamoat xavfsizligi universiteti Ilmiy-amaliy tadqiqotlar markazi [6] faoliyati yo'lga qo'yilgan.

O'zbekistonda mustaqillik yillarida ta'lim tizimining barcha turlarini, jumladan, oliy malakali ilmiy va ilmiy-pedagog kadrlar tayyorlash tizimini tubdan isloh qilish bo'yicha aniq maqsadli keng miqyosdagi ishlar amalga oshirildi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturini muvaffaqiyatli amalga oshirish natijasida ta'lim jarayonining barcha bosqichlarini qamrab oluvchi, zamonaviy talablarga javob beruvchi uzluksiz ta'limning yaxlit tizimi shakllandi.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturining ustuvor vazifalarini va mamlakatda amalga oshirilayotgan iqtisodiy va demokratik islohotlarni, ilg'or jahon tajribasi va ilmiy kadrlarni attestatsiyadan o'tkazishning xalqaro standartlarini hisobga olgan holda **oliy ta'limdan keyingi ta'lim tizimi** tubdan isloh qilindi. Izlanuvchilar va ilmiy darajaga ega bo'lgan mutaxassislarni moddiy rag'batlantirish sharoitlari sezilarli darajada yaxshilandi. Dissertatsiya tadqiqotlarining sifati, ilmiy va amaliy ahamiyati oshirildi. Yoshlarning ijodiy va intellektual salohiyatini namoyon etishiga keng sharoitlar yaratildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 14 martdagi «Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-2833-son qaroriga muvofiq, **huquqbuzarliklarning samarali profilaktikasini amalga oshirish** davlat organlari, shu jumladan huquqni muhofaza qiluvchi, mahalliy davlat hokimiyati organlari, boshqa davlat tashkilotlari, shuningdek xo'jalik boshqaruvi organlarining ustuvor vazifasi etib belgilangan. Ushbu sohadagi faoliyatning asosiy yo'nalishlariga huquqbuzarliklar profilaktikasi muammolari bo'yicha kompleks ilmiy va amaliy tadqiqotlar o'tkazish, profilaktik ishlarni olib borishning zamonaviy uslubiyotini joriy etish kiritilgan [7].

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 14 fevraldagi «Ichki ishlar organlari probatsiya xizmati faoliyatini samarali tashkil etish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 84-son qarorida **probatsiya faoliyatiga oid ilmiy-tadqiqot** ishlarini kuchaytirish yuzasidan qo'shimcha chora-tadbirlarni belgilash nazarda tutilgan [8].

Mazkur vazifa ijrosi doirasida O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar

vazirligi Probatsiya xizmati tomonidan qator ishlar amalga oshirilgan. Jumladan, 2020 yil 18 mart kuni «Jinoyat-ijroiya tizimi va milliy qonunchilikning dolzarb masalalari» mavzusida o'tkazilgan respublika ilmiy-amaliy konferensiyasida Ichki ishlar vazirligi Probatsiya xizmati boshlig'i o'rinbosari, yuridik fanlar doktori I.Yu. Fozilov tomonidan yuridik fanlar tarmog'ida yangi ilm sohasi sifatida **«12.00.14 – Huquqbuzarliklar profilaktikasi. Jamoat xavfsizligini ta'minlash. Probatsiya faoliyati» ixtisosligini tashkil etish** taklifi ilgari surilgan. Muallifning asoslashicha, «so'nggi yillar mobaynida mamlakatimizda amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlar natijasida o'zaro uzviy bog'liq bo'lgan sohalar – huquqbuzarliklar profilaktikasi, jamoat xavfsizligini ta'minlash, probatsiya faoliyati sohalari qonunchilik sohasi (*qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilingan*) va fan sohasi (*yuridik ta'lim muassasalari o'quv rejasiga mustaqil fan va o'quv kurslari kiritilgan*) sifatida shakllangan; hozirgi vaqtda islohotlar natijalarini inobatga olgan holda ushbu sohalarni mustaqil ilm sohasi sifatida shakllantirish hamda ushbu yo'nalishlar bo'yicha kompleks ilmiy va amaliy tadqiqotlar o'tkazishni jadallashtirish talab etilmoqda; oliy malakali ilmiy va ilmiy-pedagog kadrlar ixtisosliklari ro'yxatida huquqbuzarliklarning oldini olish (12.00.08) sohasi mavjud bo'lsada, bugungi kunda qonunchilik, huquqni qo'llash amaliyoti va ta'lim sohalarida «huquqbuzarliklarning oldini olish» tushunchasi «huquqbuzarliklar profilaktikasi» tushunchasi bilan almashtirilganligi, jamoat xavfsizligini ta'minlash, probatsiya faoliyati sohalari oliy malakali ilmiy va ilmiy-pedagog kadrlar ixtisosliklari ro'yxatiga kiritilmaganligi, huquqbuzarliklar profilaktikasi, jamoat xavfsizligini ta'minlash, probatsiya faoliyati sohalari o'zaro uzviy bog'liq yo'nalishlar bo'lganligi bois ularni yagona ixtisoslikka birlashtirish zarurati yuzaga kelgan» [9].

Mazkur taklif o'rnatilgan tartibda Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlash bo'yicha respublika kengashiga kiritilgan, ushbu kengashning 2020 yil 13 iyuldagi 2-sonli yig'ilishi qarori bilan ma'qullangan.

I.Yu. Fozilovning ta'kidlashicha, «Jamoat xavfsizligi asoslari fanining **ob'ektini** jamoat xavfsizligi sohasidagi ijtimoiy munosabatlar, ushbu fanning **predmetini** esa, jamoat xavfsizligi tizimining shakllanishi, mohiyati va xususiyatlari, uning faoliyat ko'rsatish va rivojlanish qonuniyatlari tashkil etadi.

Jamoat xavfsizligi asoslari fanining tizimi predmetiga to'g'ridan-to'g'ri

bog‘liq bo‘lib, uning tuzilishini aks ettiradi. Ya’ni, ushbu fanda o‘rganiladigan masalalar umumiylikdan xususiylikka qarab muayyan tizimda joylashtiriladi» [12].

Ilmiy adabiyotlarda jamoat xavfsizligining ob’ekti bo‘yicha turlicha qarashlar ilgari surilgan. Xususan, A.I. Sapojnikovning ta’kidlashicha, “jamoat xavfsizligi ob’ektlarini nazariy jihatdan ko‘rib chiqish jamoat xavfsizligining beshta ma’muriy-huquqiy rejimini ajratib ko‘rsatish imkonini beradi: ijtimoiy xavfsizlikning ma’muriy-huquqiy rejimi; yo‘l harakati xavfsizligi ma’muriy-huquqiy rejimi; yong‘in xavfsizligi ma’muriy-huquqiy rejimi; sanitariya xavfsizligi ma’muriy-huquqiy rejimi; favqulodda vaziyatlarda xavfsizlikning ma’muriy-huquqiy rejimi. Ularning har biri o‘ziga xos (huquqiy, tashkiliy ta’minlovchi elementlarga ega) institut bo‘lib, jamiyat xavfsizligini ta’minlovchi aniq, nisbatan tor, ammo hayotiy muhim sohada davlat nuqtai nazaridan maqbul munosabatlarni o‘rnatishga qaratilgan.

Muxtasar qilib aytganda, O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlashning ilmiy asoslarining shakllanishi va rivojlanishida yuqorida ko‘rsatilgan muallif va ekspertlarning ilmiy qarashlari va yondashuvlari bu yo‘nalishdagi ishlarni sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqilishiga sabab bo‘lgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Fozilov I.Yu. Jamoat xavfsizligi asoslari fani tushunchasi: O‘quv qo‘llanma. – T.: O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi masalalari ilmiy-amaliy tadqiqotlar markazi, 2022. – 22-b.

2. Fozilov I.Yu. Jamoat xavfsizligi asoslari fani tushunchasi: O‘quv qo‘llanma. – T.: O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi masalalari ilmiy-amaliy tadqiqotlar markazi, 2022. – 24-b.

3. Xo‘jamberdiev F.K. O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyatini huquqiy ta’minlashda qonunosti hujjatlari normalarining o‘rni va ahamiyati//“Jamoat xavfsizligi” ilmiy-amaliy jurnali – Toshkent, 2023. – № 4. – B. 81.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-martdagi «Jamoat xavfsizligini ta’minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-6196-son Farmoni // URL: <https://lex.uz/docs/5344118> (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 08.11.2024).

5. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 30-iyuldagi

«Yo'l harakati xavfsizligi sohasini ilmiy-metodik ta'minlash, yo'llarda ekspluatatsiya-montaj faoliyatini tartibga solish hamda «xavfsiz yo'l» indeksini yuritish amaliyotini joriy etish to'g'risida»gi 415-son qarori // URL: <https://lex.uz/uz/docs/6136750> (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 08.11.2024).

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 15-apreldagi «Jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida professional kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-5077-son qarori // URL: <https://lex.uz/ru/docs/5377545> (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 08.11.2024).

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-martdagi «Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-2833-son qarori // URL: <https://lex.uz/ru/docs/3141186> (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 08.11.2024).

8. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 14-fevraldagi «Ichki ishlar organlari probatsiya xizmati faoliyatini samarali tashkil etish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 84-son qarori // URL: <https://lex.uz/ru/docs/4735981> (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 08.11.2024).

9. Fozilov I.Yu. Jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi milliy qonunchilikni takomillashtirish masalalari // Jinoyat-ijroiya tizimi va milliy qonunchilikning dolzarb masalalari: respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami. – T.: O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-ijroiya qonunchiligini takomillashtirish bo'yicha idoralararo ekspert guruhi, 2020. – B. 72.

10. Fozilov I.Yu. Jamoat xavfsizligi nazariyasining metodologik asoslari: O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi masalalari ilmiy-amaliy tadqiqotlar markazi, 2022. – B. 21.

11. (Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portali – <https://regulation.gov.uz/oz/d/71766>).

12. Fozilov I.Yu. Jamoat xavfsizligi asoslari fani tushunchasi: O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi masalalari ilmiy-amaliy tadqiqotlar markazi, 2022. – 22-b.

REZYUME

Mazkur maqolada mamlakatimizda jamoat xavfsizligi sohasini ilmiy va ekspertlik jihatdan ta'minlashga ixtisoslashtirilgan ilmiy va oliy ta'lim tashkilotlarida milliy jamoat xavfsizligi tizimining ilmiy asoslarini ishlab chiqish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar masalalari bayon qilingan.

В данной статье рассматриваются вопросы комплексных мер по разработке научных основ национальной системы общественной безопасности в научных и высших образовательных учреждениях, специализирующихся на научном и экспертном обеспечении сферы общественной безопасности в нашей стране.

This article outlines comprehensive measures for developing the scientific foundations of the national public security system in scientific and higher educational institutions specializing in the scientific and expert support of public safety in our country.



Azamat IKANOV,
*O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Ilmiy-amaliy
tadqiqotlar markazi boshlig‘i, yu.f.b.f.d. (PhD), katta ilmiy xodim*

**KO‘ZDAN KECHIRISH – POTENSIAL XAVFLI
SHAXSLARNI ANIQLASH USULI SIFATIDA
(profayling texnologiyasi misolida)**

So‘nggi yillarda respublikamizda huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish borasida kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilib, mamlakatda huquq-tartibotni ta‘minlashda ijobiy natijalarga hamda kriminogen vaziyatni yaxshilashga erishilmoqda.

Shu bilan birga, huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshiruvchi davlat organlarining faoliyatiga zamonaviy ish shakli va uslublarni, jamoat tartibini saqlashning mutlaqo yangi mexanizmlarini joriy etish muhim hisoblanadi.

Bu borada jamoat xavfsizligini ta‘minlashda profayling texnologiyasini joriy qilish masalasiga ham alohida e‘tibor qaratish lozim.

Profayling chorak asrdan buyon rivojlangan davlatlar jamoat xavfsizligini ta‘minlash faoliyatida, xorijiy kriminalistika amaliyotida faol qo‘llanilmoqda. Bundan tashqari, chet elda profaylingning nazariy va amaliy jihatlarini ishlab chiqish bilan shug‘ullanuvchi bir necha ilmiy maktablar shakllangan.

Shu sababli ham mamlakatimizda xorijiy jamoat xavfsizligini ta‘minlash faoliyatidagi ilg‘or ilmiy yutuqlar integratsiyasini amalga oshirish zarur, shu munosabat bilan profaylingni nazariya va amaliyotda qo‘llash asoslari va zamonaviy xususiyatlarini o‘rganish maqsadga muvofiqdir.

Profayling huquqbuzarliklar sodir etishga aloqador shaxslarni aniqlash texnologiyasi sifatida XX asr 70-yillarning oxirida Isroilning “El-Al” aviakompaniyasi tomonidan qo‘llanila boshlangan [1].

Mamlakatimizda ham huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan ko‘zdan kechirishni o‘tkazish bir qator normativ-huquqiy hujjatlarda yoritib o‘tilgan. Xususan:

1. O‘zbekiston Respublikasining 1994 yil 22 sentabrdagi 2015 XII sonli Qonuni bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasining Ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksi”da[2]: “Shaxsni ko‘rikdan o‘tkazish ichki

ishlar organlarining, harbiylashtirilgan qo‘riqlash bo‘linmalarining, havo transportining, bojxona organlari, O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi organlari va chegara qo‘shinlarining vakolatli shaxslari, O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlarida bevosita nazarda tutilgan hollarda esa, shunga vakolati bo‘lgan boshqa organlar tomonidan amalga oshirilishi mumkin” **(289-modda. Shaxsni ko‘rikdan o‘tkazish va ashyolarni ko‘zdan kechirish).**

2. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligining 2012 yil 23 apreldagi “Avtovokzallar va avtostansiyalar hududiga yo‘lovchilar va boshqa shaxslarni kiritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning tasdiqlash haqida”gi 13/2-sonli qarori bilan tasdiqlangan **“Avtovokzallar va avtostansiyalar hududiga yo‘lovchilar va boshqa shaxslarni kiritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma”**da [3]:

“qidiruvdagi shaxslarni aniqlash va ushlab maqsadida ko‘zdan kechirilayotganlarning pasportiga oid ma‘lumotlari tanlab tekshiriladi, shuningdek shubhali shaxslar shaxsan ko‘zdan kechiriladi” (6-band Yo‘lovchilar va boshqa shaxslarning qo‘l yukini, bagajini va o‘zini nazoratdan o‘tkazish tartibi, 4-xatboshi);

“nazoratdan o‘tkazish vakolatiga ega bo‘lgan shaxslar tomonidan shaxsan kuzatish yo‘li bilan ko‘zdan kechirilayotgan shaxsning shubhali o‘zini tutishi va xatti-harakatlari belgilari, balkim uning jinoiy niyatlaridan dalolat beruvchi yoki unda yo‘lovchilar va boshqa shaxslarga avtotransport vositalarida qo‘l yuki va bagaj shaklida tashish taqiqlangan xavfli moddalar va buyumlar bo‘lishi mumkinligi to‘g‘risida shubha tug‘diruvchi belgilar aniqlangan hollarda amalga oshiriladi” **(11-band shaxslarni tanlab shaxsiy ko‘zdan kechirish buning uchun maxsus jihozlangan xonalarda, 4-xatboshi);**

3. O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 9 avgustidagi “Transport to‘g‘risida”gi Qonunida[4]: “yo‘lovchilarning va boshqa shaxslarning hayoti hamda sog‘lig‘ini muhofaza qilish, tashishlar xavfsizligini ta‘minlash maqsadida vakolatli organlar vokzalga, aerovokzalga, aeroportga, metropolitenga va avtostansiyaga kirish joyida transport vositasini, bagajni, yuk bagajini va yukni ko‘zdan kechirishdan hamda **yo‘lovchilarni va boshqa shaxslarni shaxsan ko‘zdan kechirishdan** o‘tkazishi mumkin. Yo‘lovchilar va boshqa shaxslar ko‘zdan kechirilishini rad etgan taqdirda vokzalga, aerovokzalga, aeroportga, metropolitenga va avtostansiyaga kirish ta‘qiqlanadi.

Transport vositasini, bagajni, yuk bagajini va yukni ko‘zdan kechirishda, yo‘lovchilarni hamda **boshqa shaxslarni shaxsan ko‘zdan kechirishni amalga oshirish huquqiga ega bo‘lgan vakolatli organlarning ro‘yxati, ko‘zdan kechirishni o‘tkazish tartibi**, shuningdek vokzallarda, aerovokzallarda, avtostansiyalarda, aeroportlarda va metropolitenda yo‘lovchilarning hamda boshqa shaxslarning bo‘lishi qoidalari O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadi” *(35-modda. Transport infratuzilmasi ob’ektlarida ko‘zdan kechirish)* – deb qayd etib o‘tilgan.

4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023 yil 17 aprelidagi “Aerovokzal, temir yo‘l va avtobus vokzallarida xizmat ko‘rsatish sifatini yaxshilashga qaratilgan qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 159-sonli qarori bilan tasdiqlangan **“Temir yo‘l vokzallarida (stansiyalarida) yo‘lovchilar va tashrif buyuruvchilarning qo‘l yuki va bagajini ko‘zdan kechirish, ularning temir yo‘l vokzallarida (stansiyalarida) bo‘lish tartibi to‘g‘risida”gi nizomda**[5]:

“ko‘zdan kechirish — maxsus texnik vositalarni qo‘llagan holda, tashrif buyuruvchilar hamda yo‘lovchilar uchun yo‘lovchi tashish poezdlarida qo‘l yuki va bagaj shaklida tashish taqiqlangan, noqonuniy aralashish harakatini sodir etish uchun foydalanilishi mumkin bo‘lgan xavfli moddalar va buyumlarni aniqlashga qaratilgan tadbirlar majmuasi” *(2-band)*;

“ko‘zdan kechirilayotgan shaxslarga nisbatan hushyor, e‘tiborli va iltifotli munosabatda bo‘lishga hamda ularning sha’ni va qadr-qimmatini kamsituvchi harakatlarga yo‘l qo‘ymaslikka” *(7-band ko‘zdan kechirish vakolatiga ega bo‘lgan xodimlar, b) xatboshi)*;

“... qidiruvdagi shaxslar deb gumon qilingan yoki ko‘zdan kechirishdan o‘tkazish jarayonida o‘zini shubhali tutayotgan shaxslarning aniqlik kiritish maqsadida pasportga oid ma’lumotlari ham tekshiriladi va **shaxsiy ko‘zdan kechirish ko‘rigidan o‘tkaziladi”** *(12-bandi shaxslarni va ularning qo‘l yuki, bagajini ko‘zdan kechirish quyidagi ketma-ketlikda o‘tkaziladi, d) xatboshi)*;

“ko‘zdan kechirish vakolatiga ega bo‘lgan xodimlar tomonidan shaxsan kuzatish yo‘li bilan ko‘zdan kechirilayotgan yo‘lovchilar va tashrif buyuruvchilarning o‘zini shubhali tutishi va xatti-harakatlari belgilari, uning g‘arazli niyatlaridan dalolat beruvchi yoki yo‘lovchi tashish poezdlarida yo‘lovchilar tomonidan qo‘l yuki va bagaj shaklida tashishi ta’qiqlangan xavfli

moddalar va buyumlar bo'lishi mumkinligi to'g'risida **shubha tug'diruvchi belgilar aniqlanganda**" (23-band (qidiruvdagi shaxslar deb gumon qilingan yoki ko'zdan kechirish jarayonida o'zini shubhali tutayotgan shaxslar maxsus jihozlangan xonalarda ikkita xolis ishtirokida quyidagi hollarda shaxs ko'zdan kechiriladi:) **g) xatboshi**) kabilar ko'rsatib o'tilgan.

5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023 yil 10 oktabrdagi "Metropolitenda yo'lovchilar hamda boshqa shaxslarning bo'lish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi 535-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Metropolitenda yo'lovchilar hamda boshqa shaxslarning bo'lishi qoidalari"da[6]:

"...qidiruvdagi shaxslar deb gumon qilingan yoki ko'zdan kechirish jarayonida o'zini shubhali tutayotgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda shaxsiy ko'zdan kechirilishi mumkin" (8-band 2-xatboshi).

Qayd etilgan qonunchilik hujjatlarining ilmiy tahlili asosida jamoat xavfsizligini ta'minlash faoliyatida profayling texnologiyasini qo'llashni huquqiy tartibga solish borasida quyidagi tizimli kamchilik va muammolar borligi ma'lum bo'ldi:

- 1) profayling texnologiyasi tushunchasi huquqiy ta'rifi ishlab chiqilmagan;
- 2) jamoat xavfsizligini ta'minlash faoliyatida profayling texnologiyasini qo'llash mexanizmlari ishlab chiqilmagan;
- 3) jamoat xavfsizligini ta'minlash va jamoat tartibini saqlashga jalb etilayotgan xodimlar huquqbuzarlik sodir etishga moyil shaxslarni aniqlash, ularning xatti-harakatlarini tahlil qilish va aniqlash usullariga o'rgatish tizimi yo'lga qo'yilmagan.

Olimlarning ta'kidlashicha, profayling texnologiyasini qo'llashda so'rov o'tkazish qatorida shaxsni va uning yukini ko'zdan kechirishni xushyorlik bilan o'tkazish muhim hisoblanadi.

Ayrim hollarda jamoat xavfsizligini ta'minlashga mas'ul davlat organlari xodimlarining befarqligi, charchaganligi yoki maxsus texnik vositalarning ishlamasligi oqibatida terrorchilik harakati sodir etilishiga ta'sir qilgan holatlarni kuzatishimiz mumkin.

Umuman olganda, ko'zdan kechirish profayling texnologiyasini qo'llashda dolzarb hisoblanib, uni boshqa usullar bilan birga qo'llash jamoat xavfsizligini ishonchli ta'minlashga va huquqni muhofaza qilish organlari faoliyati

samaradorligini oshishiga xizmat qilishi mumkin, bu esa o'z navbatida aholi gavjum joylarda, xususan, ommaviy tadbirlar o'tkazish ob'ektlari, bozorlar, savdo majmualari, istirohat bog'lari va xiyobonlarda xavfsizlikni ta'minlashda o'z ijobiy natijasini ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi. <https://old.lex.uz/docs/97664>.

2. Кудин В.А., Статный В.М. Профайлинг в деятельности органов внутренних дел: от теории и методологии к практике // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России № 3 (59) 2013, С.6.

3. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va O'zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligining 2012-yil 23-apreldagi "Avtovokzallar va avtostansiyalar hududiga yo'lovchilar va boshqa shaxslarni kiritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida"gi 13/2-son qarori <https://lex.uz/ru/docs/2022632?otherlang=1>.

4. 2021-yil 9-avgustdagi O'zbekiston Respublikasining Qonuni "Transport to'g'risida"gi. <https://lex.uz/docs/5563039>.

5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 17-apreldagi "Aerovokzal, temir yo'l va avtobus vokzallarida xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilashga qaratilgan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi 159-son qarori. <https://lex.uz/ru/docs/6435331>.

6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 10-oktabrdagi "Metropolitenda yo'lovchilar hamda boshqa shaxslarning bo'lish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi 535-son qarori. <https://lex.uz/docs/6631523>

7. Рунаев Р.Ю. Профайлинг как метод выявления лиц, вынашивающих террористические замыслы суицидальной направленности // Вестник Воронежского института МВД России. 2018, №4. – С.205.

8. Юрицин А.Е., Куянова А.В., Зверев В.О., Половников О.Г. Психологическое портретирование и технология профайлинга в деятельности полиции как средство противодействия террористическим актам на транспорте // Психопедагогика в правоохранительных органах, 2015, № 3(62), С.47.

9. Фидел П.М. Меры административно-правового принуждения в деятельности органов внутренних дел (полиции) по обеспечению общественной безопасности на объектах воздушного транспорта // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук, Академия управления Министерства внутренних дел Российской Федерации. Москва – 2023.

REZYUME

Mazkur maqola jamoat xavfsizligini ta'minlashda profaylingdan foydalanishda ko'zdan kechirishni qo'llashga bog'ishlanib, unda qonunchilik hujjatlarida ko'zdan kechirishni qo'llash bilan bog'liq normalar tahlil qilingan. Shuningdek, ko'zdan kechirish o'tkazishning ahamiyati borasida olimlarining fikrlari bayon etilgan.

Данная статья посвящена применению досмотра при использовании профайлинга в обеспечении общественной безопасности, в ней анализируются нормы, связанные с применением досмотра в законодательных актах. Также изложены мнения ученых о важности проведения осмотра.

This article is devoted to the use of inspection when using profiling to ensure public safety, it analyzes the norms related to the use of inspection in legislative acts. It also presents the opinions of scientists on the importance of conducting an inspection.

МУНДАРИЖА

Бош муҳаррир минбари	3
-----------------------------------	----------

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР

Ўзбекистон халқига байрам табриги	4
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг махсус унвони	13
Хуршидбек РЎЗИЕВ. Янги Ўзбекистон – мангу Ўзбекистон!.....	14

ИЛМий МАҚОЛАЛАР

Фирдавс НАСРУЛЛАЕВ. Жиноятчиликка қарши курашда экстрадициянинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари	16
Умида МАҲМУДХОДЖАЕВА. Болани хорижий давлатларга олиб чиқишда ота-онанинг айрим ҳуқуқий мажбуриятлари	23
Umida SHARAHMETOVA. Oilaviy-huquqiy javobgarlik turlari namoyon bo‘lishining o‘ziga xos xususiyatlari	30
Furqat XIDIROV. Mahalla huquq-tartibot maskanining huquqbuzarliklar profilaktikasidagi o‘rni va roli	42
Бахтияр МУСУРМАНОВ. ИИБ тизими муассасаларининг айрим фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари хусусида	49
Olimjon SUBANOV. Bolalarga qilingan zo‘ravonlikning barcha shaklidan himoya qilish sohasidagi ayrim huquqiy vakolatlar	55
Umidbek OTAYEV, Kenjabay BEYSENOV. Interfaol milliy kontentini yaratishning muhim jihatlari	62
Саидкарим АЛИМОВ. Инсценировка қилиш орқали содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош қилишнинг айрим усуллари тавсифи.....	72

ИЛМий АХБОРОТЛАР

Мунира УМАРОВА. Касбий маҳорат: бурч, масъулият, идрок ва тафаккурга ишонч – олий кадрят	81
Жасур КЕНЖАЕВ. Ички ишлар органи: ҳар қандай ходимнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш давлат тузилмаси	87
Хусан САИТХОДЖАЕВ. Ҳуқуқий саводхонлик: ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили	96
Muhiddin JO‘RAYEV. Jamoat xavfsizligini ta’minlashda ilmiy asoslarning shakllanishi	105
Azamat IKANOV. Ko‘zdan kechirish – potensial xavfli shaxslarni aniqlash usuli sifatida (profayling texnologiyasi misolida).....	111

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий
ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

№ 3 (15) 2025

Босишга рухсат этилди: 13.10. 2025. Буюртма № 181
Қоғоз бичими 60x84^{1/32}. Шартли б. т.-9,0.
Адади 100 нусхада чоп этилди.
100213, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани,
Ҳ.Бойқаро кўчаси 27 а уй.